Бутун дунё пролетарлари, бирлашинг!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | 24 декабрь 1972 йил, якшанба | № 299 (15.470). Баҳоси 2 тийин.

Л. И. БРЕЖНЕВ Т. ЖИВКОВ БИЛАН УЧРАШДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев 23 декабрда Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Давлат кенгашининг раиси Т. Живков билан учрашди.

Суҳбат чоғида КПСС билан БКП, Совет Иттифоқи билан Болгария Халқ Республикаси ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг баъзи масалалари юзасидан, шунингдек актуал халқаро проблемалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Учрашув самимий дўстлик ва тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди. (ТАСС).

РЕСПУБЛИКА САНОАТИ — СССР ЮБИЛЕЙИГА

Узбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси хабар беради: Ўзбекистондаги саноат корхоналарининг коллективлари СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган социалистик мусобақага қўшилиб, саноат маҳсулотини реализация қилиш ва буюмларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш давлат планини муддатидан аввал 23 декабрда бажардилар. [ЎзТАГ].

ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИГА

Биз, СССРдаги 100 дан кўпроқ миллатлар ва элатларнинг вакиллари, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан Москвада тўпланиб, планетадаги барча халқларга тинчлик, дўстлик ва қардошлик мактуби билан мурожаат қилмоқдамиз.

Советлар мамлакатининг меҳнаткашлари социалистик революция қилиб ва ишчи-деҳқонлар ҳокимиятини ўрнатиб, кишининг киши томонидан эксплуатация қилинишидан холи бўлган жамият қуриш, миллатлар ўртасидаги душманликка чек қўйиш, уларни ишонч ва дўстлик асосида биргаликда ҳаёт кечиришга ўргатиш, халқларнинг қардошларча бирлигини вужудга келтириш ниятида жуда катта мамлакат халқларини жипслаштиришдан иборат буюк мақсадни рўёбга чиқаришга биринчи бўлиб киришдилар.

Қабилавий, ирқий ва миллий можаролар қадим-қадим замонлардан то шу кунларгача, бутун инсоният тарихи мобайнида давом этиб келди. Бу можаролар неча-неча марталаб мамлакатлар ва халқларни кулфат ва азоблар гирдобига ташлади, бутун-бутун қитъаларни қонга ботирди. Энг доно кишилар бу аҳволдан қандай қилиб қутилиш йўлини минг йилларидан бери излаб келдилар, лекин улар миллий зулмни тугдириб ва авж олдириб келган эксплуататорлар ҳукмронлигининг қаттиқ қаршилигига дуч келавердилар.

Коммунистик партия руҳлантириб, раҳбарлик қилаётган совет кишиларининг дадил ниятлари амалга ошганлигини эндиликда бутун дунё кўриб турибди. Янги, социалистик типдаги кўп миллатли давлат — дўстлик ва қардошлик билан жипслашган эркин халқларнинг қудратли ихтиёрий иттифоқини қуриш тўғрисидаги ажойиб орзулар рўёбга чиқди.

Октябрга қадар маълум бўлган барча кўп миллатли давлатларнинг тарихи солномаси — миллатлар ўртасидаги антагонизмларни тўхтовсиз кескинлаштириш тарихидир. Совет Иттифоқи бутунлай бошқача тарзда ривожланди. Бу ривожланиш Совет Иттифоқининг иқтисодий, сиёсий ва маънавий негизларининг мустаҳкамланишидан, шу иттифоқни ташкил этган халқларнинг муттасил жипслашуви ва бир-бирига яқинлашувидан иборат бўлди.

Бу ютуқни бизга мўъжиза келтиргани йўқ, тасодифий ҳолатлар келтиргани йўқ, бу ютуқ чуқур қонуният маҳсулидир. Совет кишилари Улуғ Октябрь революциясининг ғалабасига таяндилар. Кўп миллатли ягона оилада халқларни ривожлантиришнинг ўлмас Ленин чизиб берган социалистик принциплари совет кишиларини руҳлантириб турди. Уларга жамиятни қайта қуришнинг чинакам илмий назарияси билан қуроллангan, ишчилар синфи, бутун меҳнаткаш халқ ишига содиқлиги ҳамиша барқарор бўлган Коммунистик партия етакчилик қилди ва етакчилик қилмоқда.

Социализм учун олиб борилган тарихий жангда мамлакатимиздаги барча миллатлар ва элатларнинг меҳнаткашлари ишчилар синфи теварагида бирлашдилар. Худди мана шу социализм негизида улар биргаликда куч-ғайрат сарфлаб, миллий зулмни таг-томири билан емириб ташладилар, миллатларнинг мустамлака ўтмишидан қолган қолоқлигини бартараф қилдилар. Бизнинг бутун туэумимиз ва бутун турмуш тарзимиз интернационализм руҳи билан суғорилган экан, биз бунга мамлакатимизда социализм, ленинча халқлар дўстлиги снёсати аллақачон ва узил-кесил ғалаба қилганлиги туфайли эришдик.

СССРнинг ярим асрлик юбилейи кунида биз жаҳонда биринчи кўп миллатли социалистик давлатга ўзининг бирдамлигини муттасил намойиш қилиб келаётган барча мамлакатларнинг меҳнаткашларига қизғин миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Империалистик давлатларнинг интервенциясига «Совет Россиясидан қўлингни торт!» деган шиор остида қарши курашганларнинг ҳаммасига; фашизмга қарши олиб борилган ҳаёт-мамот жангида биз билан бирга бўлганларнинг ҳаммасига; Совет Иттифоқи халқлари билан, бошқа социалистик мамлакатларнинг халқлари билан ёнма-ён туриб, тинчликни мустаҳкамлашга интилаётганларнинг, империалистик агрессорларнинг жиноий ниятларини барбод қилаётганларнинг ҳаммасига ўз ташаккуримизни изҳор этамиз.

Ленин, Коммунистик партия Совет Иттифоқини барпо қилаётганида, унинг биносига биринчи пойдеворни қўяётганида фақат бизнинг мамлакатимизнинг келажагинигина ўйлаганлари йўқ. Улар бутун инсоният тақдирини ҳам ўйлаб, унга зўр эътиборларини қаратдилар, улар зулм ва эксплуатация бўлмайдиган кўп миллатли социалистик давлат барпо қилиш ер юзидаги одамларнинг ҳаммасига озодликка эришиш йўлини топишларига ёрдам беради, деб қатъий ишондилар. Шунинг учун ҳам биз ўтган эллик йиллик даврга назар ташлар эканмиз, мана шу йилларнинг ҳаммасида Совет Иттифоқи ҳар доим халқлар озодлиги ва бахт-саодати учун курашганлар томонини олиб келганлиги, уларнинг ҳаққоний иши ғалаба қозониши учун мумкин бўлган чораларнинг ҳаммасини кўрганлиги ва кўраётганлиги билан фахрланамиз.

Ҳозирги даврнинг тарихда мисли кўрилмаган ижтимоий ўзгаришлар кенг миқёсда рўй бераётганлиги билан фарқ қилади. Дастлаб бизнинг мамлакатимизда тантана қилган социализм Европа, Осиё ва Лотин Америкасининг бир қанча мамлакатларида ғалаба қозонди, жаҳон социалистик системаси вужудга келди. Социалистик ҳамдўстлик жаҳон тараққиётининг қудратли кучи бўлиб майдонга чиқмоқда.

Социализм мамлакатлари меҳнаткашларидан ўрнак олиб, руҳланган ва уларнинг мададига таянаётган миллий-озодлик ҳаракатининг қудратли тазйиқи остида мустамлакачи империялар яксон бўлди ва ўтмишда эзилиб келган кўпгина халқлар мустақил ривожланиш йўлига чиқиб олдилар.

Биз янги жамият қураётган социалистик мамлакатларнинг халқларини қизғин табриклаймиз.

Капитал мамлакатларида эксплуатациядан, сиёсий ва маънавий асоратдан қутилишга интилаётган ишчилар синфига, меҳнаткашларга қардошларча саломимизни йўллаймиз.

Яқиндагина социал тараққиёт йўлига чиқиб олган, янги мустамлакачиликка ва ички реакцияга қарши олиб борилаётган машаққатли курашда ўз янги давлатларининг суверенитети ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган халқларга бирдамлик изҳор этамиз.

Эндиликда жуда катта халқ оммаси жаҳон сиёсатига тортилди, бу омма олдида ўз тақдирини ўзи белгилашнинг реал имконияти очилди. Социализм ғоялари, халқлар эркинлиги ва тенг ҳуқуқлилиги ғоялари, миллий мустақиллик ғоялари юз миллионлаб кишилар онгига сингиб бормоқда. Ҳозирги вақтда инсониятнинг жуда катта ишлаб чиқарувчи кучлари бор. Фан-техника революцияси бу кучларнинг ривожланишини мисли кўрилмаган даражада жадаллаштирмоқда, билиш уфқларини кенгайтирмоқда.

Ҳозирги замоннинг жуда кўпгина проблемалари ҳал этилмасдан қолаётганлигини, капитализм вужудга келтирган социал кулфатлар тугатилиш ўрнига тобора кўпайиб бораётганлигини кўриб халқларнинг тоқати тоқ бўлмоқда. Шу нарса аёнки, ер куррасининг катта-катта майдонларида эртаги кун ваҳимаси ҳануз ҳукмронлик қилиб турибди. Социал адолатсизлик, миллий ва ирқий камситишлар авж олиб бормоқда, бир ҳовуч кимсалар фароғатда яшамоқда, шулар қаторида миллион-миллион кишилар эса қашшоқликда ҳаёт кечирмоқда. Ярим оч ҳолда кун кечириш бутун-бутун халқларнинг қисмати бўлиб қолмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси — мустамлакачиликнинг ва империалистик зулмнинг натижасидир.

Инсоният гарчи чорак асрдан кўпроқ вақтдан бери жаҳон урушидан ҳоли бўлиб яшаётган бўлса ҳам ҳали хотиржам бўлиш учун ўрин йўқ. АҚШнинг Вьетнамдаги шармандали агрессияси давом этмоқда. Америка империализми урушни тўхтатиш тўғрисидаги битимни имзолашни атайлаб пайсалга солмоқда. У ВДР территориясини ваҳшиёна бомбардимон қилишни яна бошлаб юборди. Минг-минглаб бегуноҳ тинч аҳоли ҳалок бўлмоқда.

Исроил оккупациячилари араб ерларини ҳануз оёқ ости қилиб турибдилар. Мустамлакачилик ва ирқчилик режимлари ҳануз ер юзига иснод келтириб турибди. Мана шуларнинг ҳаммаси XX асрнинг охирги ўн йилликларида содир бўлмоқда.

Барча тинчликсевар халқлар сингари совет халқи ҳам Америка империализми Вьетнам тупроғида қилаётган жиноятларга қарши ғазаб билан норозилик билдирмоқда. Биз қаҳрамон вьетнам халқи, шунингдек Лаос ва Камбоджа халқлари билан доимий бирдамлигимизни ва уларни кескин равишда қўллаб-қувватлаётганимизни яна таъкидлаймиз ва бу халқларнинг ҳаққоний иши ғалаба қилади деб қатъий ишонч билдирамиз!

Биз араб Шарқида империалистик агрессияга қарши курашаётганларни, мустамлакачилик ҳукмронлигига қарши жанг қилаётган халқларни кескин равишда қўллаб-қувватлашимизни таъкидлаймиз.

Милитаризм халқларнинг кўп миллиардлаб маблағини тортиб олмоқда. Тинч, бунёдкорлик ишлари учун, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини ошириш учун гоят зарур бўлган мана шу маблағлар — империализм қўлида тинчликка жиддий таҳдид бўлиб қолаётган ҳарбий машинани кенгайтиришга ва модернизация қилишга сарфланмоқда.

Табиий шароит тобора ёмонлашаётганлиги, ҳаво, денгиз ва дарёлар заҳарланаётганлиги, шаҳарлар ифлослантирилаётганлиги сабабли рўй бераётган хавфга қарши кураш инсоният учун тобора катта аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда.

Биз, совет халқининг вакиллари жаҳон халқларига, одамларнинг миллати, дини ва танасининг тусидан қатъий назар, уларнинг ҳаммасига мурожаат қилиб, мана шу етилган проблемаларни ҳал этмоқ учун бирлашишга чақирамиз.

Биз халқларни тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, уруш-хавфини ва империалистик агрессия ўчоқларини тугатиш учун, халқаро муносабатларда куч қўлланмаслик ҳамда ядро қуролини ва бошқа ялпи қирғин воситаларини абадий тақиқлаш тўғрисида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарорларини амалга ошириш йўлида сарфлаётган куч-ғайратларини бирлаштиришга ва активлаштиришга даъват қиламиз.

Биз халқларни социализм позицияларини янада мустаҳкамлаш, мустамлакачилик кишанларини улоқтириб ташлаган мамлакатларнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, мустамлакачилик асоратини батамом тугатиш йўлида сарфлаётган куч-ғайратларини бирлаштиришга ва активлаштиришга даъват қиламиз.

Биз очликни, қашшоқликни, социал адолатсизликни, миллий зулм ва тенгсизликни таг-томири билан йўқотиш йўлида халқларнинг сарфлаётган куч-ғайратларини бирлаштиришга ва активлаштиришга даъват қиламиз.

Биз халқларни инсониятнинг маданий ва маънавий бойликларини реакцион идеологиядан, ирқчилик, шовинизм ва фашизм оғусидан ҳимоя қилиш йўлида сарфлаётган куч-ғайратларини бирлаштиришга ва активлаштиришга даъват қиламиз.

Биз халқларни инсонни қуршаб турган табиий муҳитни сақлаб қолиш ва қайта ўз ҳолига келтириш йўлида сарфлаётган куч-ғайратларини бирлаштиришга ва активлаштиришга даъват қиламиз.

Совет халқи номидан ва бутун инсоният олдида биз тантанали равишда шуни айтамизки, бизнинг мамлакатимиз халқлар дўстлиги, озодлик ва социализмнинг юксак идеалларига бундан буён ҳам астойдил содиқ бўлиб қолади. КПСС XXIV съездида қабул қилинган тинчлик программаси асосида биз социалистик ҳамдўстликни мустаҳкамлаш учун; халқаро кескинликни янада юмшатиш ва турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши учун; халқларнинг миллий мустақиллиги, уларнинг бир-бирини ҳурматлаши ва дўст бўлиши учун; меҳнат аҳлининг турмушини яхшилаш ва бутун инсониятнинг социал тараққиёти учун ҳормай-толмай курашаверамиз.

Ер юзида мустаҳкам тинчлик, халқлар озодлиги ва миллий мустақиллиги тантана қилаверсин! Мана шу юксак инсоний мақсадлар учун курашда ҳар бир киши иштирок этсин! Тинчлик, озодлик, социал тараққиёт шароитида яшайлик, деб инсоният орзу қилиб келаётган эзгу ниятларни рўёбга чиқаришга ҳар бир киши ўз ҳиссасини қўшсин!

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети

«ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИГА» УШБУ МУРОЖААТ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ССР ИТТИФОҚИ ОЛИЙ СОВЕТИ ВА РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ 1972 ЙИЛ 22 ДЕКАБРДАГИ ҚЎШМА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИДА БИР ОВОЗДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

МЕҲНАТ РАПОРТЛАРИ

Узбекистон ССР Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш министрлиги йўл хўжаликлари ва саноат корхоналарининг меҳнаткашлари СССР 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ҳаракат қилиб, қурилиш-монтаж ишлари йиллик планнинг 15 декабрда ҳамда саноат ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан планнинг 13 декабрда бажарилишини таъминладилар. Пландан ташқари 4,5 миллион сўмлик турли ишлар бажарилди ва 600 минг сўмлик саноат маҳсулотлари реализация қилинади. Топшириқдагига қўшимча 100 километр чамаси йўл фойдаланишга топширилади.

* * *

Республика балиқ хўжалиги бошқармаси корхоналарининг меҳнаткашлари ўз куч-қувватларини СССР шонли юбилейини муносиб кутиб олишга қаратиб, балиқ овлаш, товар озиқ-овқат маҳсулоти тайёрлаш ва реализация қилиш, фойда олиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан 1972 йилги топшириқларни барвақт бажардилар. (ЎзТАГ).

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Узбекистон ССР саккизинчи чақириқ Олий Советининг тўртинчи сессияси шу йил 26 декабрда соат 14 да Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида очилади.

Узбекистон ССР Олий Советининг депутатлари 25 декабрда эрталаб соат 9 дан 18 гача ва 26 декабрда соат 12 дан Узбекистон КП Марказий Комитетининг мажлислар залида рўйхатга олинади.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

Узбекистон ССР Олий Совети Оқсоқоллар кенгашининг мажлиси 26 декабрда кундуз соат 13-30 минутда Узбекистон КП Марказий Комитетининг мажлислар залида бўлади.

ЯНГИ ЗАФАРЛАРГА

ЧЕКСИЗ МАМНУНМИЗ

СССРнинг 50 йиллик байрами бутун жаҳондаги прогрессив инсониятнинг ўйига айланиб кетди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежневнинг дилларни қувончга тўлдирувчи докладини зўр қизиқиш билан тингладик. Докладда СССР ташкил топгандан буён ўтган 50 йил ичида совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида эришган оламшумул тарихий ғалабалар жонли мисоллар, факт ва рақамлар билан кўрсатиб ўтилди. Мамлакатимизнинг пахтачилик маснани ҳисобланган Узбекистонга, деҳқонларимизнинг қаҳрамонона меҳнатига юксак баҳо берилди. Биз колхозчи деҳқонлар бундан чексиз мамнунмиз.

Колхозимиз уругчилик хўжалиги ҳисобланади. Бу йил минг гектар ернинг пахтаси уруғлик учун териб олинди, бу соҳадаги планни 130 процент бажардик.

Ютуқларимиз катта, лекин эришилган ғалаба билан чекланиб қолмаймиз. Коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, айниқса пахта етиштиришни янада кўпайтиришимиз керак. Колхозчи деҳқонларимиз шундай яхши ният билан меҳнат қилмоқдалар. 1972 йил мўл ҳосилига мустаҳкам замин яратмоқдамиз. Далаларимиз шудгорлаб қўйилди.

Биз ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССРнинг 50 йиллиги тўғрисида қилган сермазмун докладида кўйилган вазифаларни шараф билан бажариш учун бутун куч, ғайратимизни сарф этамиз.

Аҳмаджон ЮСУПОВ.

Хоразм область, Янгариқ районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси, Узбекистон ССР Олий Совети депутати.

БУЮК ҚАРДОШЛИК

ОҚҚУРҒОН. (ЎзТАГ). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлисида қилган доклади Оққўрғон райони меҳнаткашларида ғоят зўр қизиқиш туғдирди.

Свердлов номли колхоз раиси Иброҳим Юнусов тантанали мажлис материаллари билан таниш ганидан кейин бундай деди:

— Бизнинг мамлакатимизда қайси миллатга мансуб бўлишидан қатъий назар, синфий манфаатдари ва мақсадларининг муштараклиги билан бирлашган меҳнат аҳлининг буюк қардошлиги вужудга келди ва мустаҳкамланди. Тарихда мисли кўрилмаган муносабатлар қарор топди. Биз бу муносабатларни ҳақли равишда халқларнинг ленинча дўстлиги деб атаймиз. Биз, ўзбек пахтакорлари ана шу буюк дўстликни ҳамиша кўз қорачиғидай асраймиз. Давлатимиз қудратини меҳнатимиз билан янада кўпроқ мустаҳкамлашни ҳозир ўзимизнинг асосий вазифамиз деб биламиз. Биз СССРнинг олтин юбилейини мўл ҳосил етиштириш билан кутиб олдик — ҳар гектар ердан қариб 42 центнердан пахта топширдик. Ҳозир ерларимизни келгуси йил ҳосили учун тайёрлаб қўйдик. Беш йилликнинг учинчи йилида гектар бошига 45 центнердан пахта етиштиришга аҳд қилдик.

ҚУРУВЧИЛАР ТУҲФАСИ

Биз, Бухородаги 160-қурилиш трести бинокорлари КПСС Марказий Комитети, ССР Иттифоқи Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг қўшма тантанали мажлисида КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «ССР Иттифоқининг 50 йиллиги тўғрисида» қилган докладини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдамиз. Бинокорларимиз юбилей шарафига бошланган мусобақага қўшилиб, катта зафар қучдилар. Пландаги 30 миллион 691 минг сўм ўрнига 30 миллион 800 минг сўмлик бош пудрат ишларни бажардик. Энг муҳими биз КПСС XXIV съезди Директиваларида тилга олинган Бухоро ип-газлама комбинати бунёд этилаётгани билан фахрланамиз.

СССР 50 йиллиги шарафига бошланган мусобақа ғолиби — трестимиз коллективига КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва ВЦСПСнинг юбилей фахрий нишони тантанали вазиятда топширилди. Бу юксак мукофот СССРнинг олтин тўйи тантанали кунларида топширилганлиги бинокорларни янги меҳнат зафарларига руҳлантириб юборди. Қурувчи ва монтажчиларимиз 60 минг йиғирув урчуғи бўлган биринчи фабрикани муддатидан илгари ишга тушириш учун курашмоқдалар.

С. НОДИРХОНОВ,
Бухородаги 160-қурилиш трести партия комитетининг секретари.

ЧЕТ ЭЛЛИК МЕҲМОНЛАР ТОШКЕНТДА

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллиги байрами муносабати билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган чет эллик бир группа кишилар 23 декабрда Тошкентга келдилар.

Араб Социалистик Уйғониш партияси Бош секретарининг ўринбосари Муҳаммад Жобир Бажбун бошчилигидаги Сурия Араб Республикаси партия-ҳукумат делегацияси Москвадан келди. Меҳмонлар орасида Сурия Араб Республикасининг СССРдаги элчиси Жамил Шейх бор. СССР Енгил, Озиқ-овқат ва рўзғор приборлари машинасозлиги министрининг ўринбосари С. Д. Орлов делегацияга ҳамроҳ бўлиб келди.

Греция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Харилаос Флоракис ҳам шу кунги Москвадан келди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари И. Р. Курбонов, О. У. Салимов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар министри М. Т. Турсунов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат Г. М. Орлов ва республиканинг бошқа раҳбар ходимлари, жамоатчилик вакиллари чет эллик меҳмонларни Тошкент аэропортида кутиб олдилар. (ЎзТАГ).

ТАРБИЯ МАКТАБИ

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

КПСС Уставида партия йиғилиши бошланғич партия ташкилотининг олий органидир, дейилади. Бинобарин, партия йиғилиши маълум бир партия ташкилоти ҳисобида турган барча коммунистларнинг фикр ва иродасини ифодалайди, кун тартибига қўйилган муҳим масалаларни барча коммунистлар иштирокида муҳокама этади, тадбирлар белгилайди.

Бугунги кунда партия йиғилишининг роли ва моҳиятини юракдан ҳис этмаган бирор партия ходими ёхуд коммунист топилмаса керак. Кундалик иш тажрибаларимиз, изчил кузатишлар шу нарсани яққол кўрсатиб турибдики, областдаги бошланғич партия ташкилотларининг асосий қисмида партия йиғилишлари белгиланган вақтда коммунистларнинг тўлиқ иштирокида ўтяпти. Йиғилишларга тайёргарлик кўришда корхона, муассаса, ўқув юртлари ёки колхоз-совхоз ишлаб чиқаришининг ҳамма жабҳалари ва турли звеноларида меҳнат қилаётган коммунистларни актив жалб этиш, кун тартибига ҳаётнинг ўзи қўйётган турли масалаларни киритиш, йиғилишга маълум муддат давомида пухта ҳозирлик кўриш — бу хил йиғилишларнинг жонли, самарали бўлишини таъмин этмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Ярославль шаҳар партия ташкилотларида партия йиғилишларини тайёрлаш ва ўтказиш практикаси ҳақидаги қароридан кейин ҳамма ерда бўлганидек бизнинг областимиз партия ташкилотларида ҳам бу борада янги босқичга ўтилди. Партия ташкилотлари ҳаётида муҳим ҳужжатлардан ҳисобланган ана шу қарор — партия йиғилишлари ўтказишда ҳаётий даструламал ролини ўйнамоқда.

Область колхоз ва совхозлари, корхона ва муассасалари, мактаб ва ўқув юртлари, қурилиш ташкилотларида ўз теварагига неча ўн мингдаб коммунистларни уюштирган 1583 бошланғич партия ташкилоти бор. Шуниси характерлики, бу партия ташкилотларининг кўпчилиги партия йиғилишларини КПСС Уставида кўрсатилгандек аниқ муддатларда, коммунистларнинг ёппасига иштироки ва активлигида ўтказмоқдалар. Бизни шу нарса қувонтирадики, аксарият бошланғич партия ташкилотлари ва уларнинг бюролари партия йиғилишларига пухта тайёргарлик кўрадилар: йиғилишни ўтказиш юзасидан комиссия тузилиб, план тайёрланади, материал тўплаб, қарор лойиҳаси ишлаб чиқилади, кўргазмали агитация воситалари ҳозирланади, коммунистлар бу йиғилишдан ўн кун ёки ундан кўпроқ, баъзан бир ой муқаддам хабардор қилинади. Жуда кўп бошланғич партия ташкилотларида партия йиғилишига ҳозирлик кўришга оддий коммунистлар, касаба союз ва комсомол активистлари, мутахассислар, халқ контроли группалари ва постлари аъзолари жалб этиляпти. Коммунистлар партия йиғилиши — ташкилотнинг олий орган минбаридан туриб кўпгидаги гапларни, ўз корхонаси ёки колхози олдида турган вазифаларни, муаммоларни дангал ва рўйи-рост айта олади. Партия аъзоларининг кенг қатламлари актив иштирокида қизғин муҳокама ва мунозара билан ўтказилаётган бундай йиғилишларда, шубҳасиз партия ташкилоти ва маъмурият фаолияти учун жуда муҳим, таъсирли қарорлар қабул қилинади.

Шу ўринда Қўқондаги тўқимачилик машинасозлиги заводи партия ташкилоти (секретари А. И. Вавулиди) фаолиятига қисқача тўхталиб ўтиш ўринлидир. Партия ташкилоти ўзининг сўнгги йиғилишини ишчиларнинг корхона сиёсий ҳаётидаги ролини ошириш масаласига бағишлади. Завод партия ташкилоти бюроси юқорида таъкидланганидек, йиғилиш ўтказиш юзасидан махсус комиссия тузди ва бу комиссия бир ой давомида корхона цехларида, участкаларида коммунистлар, партиясиз ишчилар, мутахассислар билан суҳбатлар ўтказади, доклад ёзишда уларнинг талаб ва истаклари, фикрлари ҳисобга олинди. Шу масала юзасидан аввал цех партия ташкилотларида йиғилишлар ўтказилиб, уларда 67 киши сўзга чиқди. Музокараларда қатнашганлардан 23 киши партиясиз ишчилар эди. Хуллас, умумий партия йиғилишидан кейин корхона партия ташкилоти бюросига 5 та илғор ишчидан КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилишни сўраб ариза тушди. Буни партия йиғилишининг самараси деса бўлади.

Улуғ доҳий В. И. Ленин партия йиғилишларига коммунистларни тарбиялашнинг синалган мактаби, партия аъзолари активлигини кучайтиришнинг, жамики партия ишлари савиясини яхшилашнинг асосий воситаси, деб қарарди. Областимиздаги жуда кўп партия ташкилотлари партия йиғилишларига ленинча принциплар асосида сидқидилдан қарайдилар. Шу ўринда Охунбобоев районидаги Ленин номли колхозда бўлиб ўтган партия йиғилиши ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман. Колхоз партия комитети (секретари республика Олий Совети депутати А. Абдуқодиров) кун тартибига муҳим масалани — колхоз чорвадорларининг 1972 йил учун олган социалистик мажбуриятларининг бажарилиши масаласини қўйди. Йиғилишни тайёрлаш комиссияси ўн кун давомида чорвачилик фермалари, ем-хашак бригадаларида бўлиб социалистик мажбуриятнинг бажарилиши билан атрофлича танишдилар, коммунистлар, мутахассислар, чорвадорларнинг таклиф ва мулоҳазаларига диққат билан қулоқ солдилар. Ниҳоят, доклад ва қарор лойиҳаси тайёр бўлди. Йиғилишда колхознинг чорвачилик бўйича бухгалтери, коммунист ўртоқ Каримов доклад қилди.

Музокараларда сўзлаган коммунистлар чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришга тўғаноқ бўлаётган камчиликларни фактлар асосида очиб ташладилар. Коммунист Ю. Тожибоев сигирлар зотини яхшилаб, чорвачиликда примитив усуллардан тамомила воз кечиб, илғор тажрибалар, фан ютуқларини жорий этиш зарурлигини таъкидлади. Коммунист ўртоқ Маматхонов эса сигирлардан ҳали ҳам кам сут соғиб олинаётгани, фермаларда санитария аҳволи ёмон эканлигини таъкид қилди.

Партия йиғилиши коммунистларнинг барча танқидий мулоҳазаларини ҳисобга олиб, чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш юзасидан муҳим қарор қабул қилди ва унинг ижросини изчил кузатиб борди. Бунинг натижаси амалий ишда кўринди: колхоз давлатга гўшт топшириш планини муддатидан олдин 106,3 процент қилиб бажарди. 4410 центнер сут топширилиб, план барвақт уддаланди ва колхоз бўйича сигир бошига ўртача 2100 килограммдан сут соғиб олинди.

Партия йиғилишларига ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўриш, бунда барча коммунистлар ва партиясиз меҳнаткашларнинг кенг қатламлари билан ҳамкорлик қилиб, уларнинг дилидаги гапга қулоқ солиш, йиғилиш кун тартибига ҳаётнинг ўзи қўйётган муҳим, принципиал масалаларни киритиш, мажлисларда «штатли нотиқ»ларнинг бир хил, сийқаси чиққан, зерикарли сўзларининг баҳридан ўтиб, фикр ва мулоҳазаларини ўртага ташламоқчи бўлган, лекин бунга кўпинча журъат қилмай юрган кишиларни илгаб олиб, уларга минбар бериш партия ташкилотлари ва маъмурият ишига катта наф келтиради. Эндиликда масаланинг шу томонларига кўпроқ эътибор бераётган ташкилотлар кўпайиб бормоқдаки, бу бизни хурсанд этади. Неча ойлар, эҳтимолки бир неча йиллардан бери йиғилишда бирор марта сўзламаган, ўз корхонаси, ҳамкасблари, партия ташкилоти фаолияти хусусида, ютуқ ва камчиликлар ҳақида ўз фикрини жамоатчиликка билдирмаган коммунистлар ҳам йўқ эмас. Жуда кўп бошланғич партия ташкилотлари, уларнинг бюро аъзолари эндиликда ана шундай коммунистлар билан ҳам жиддий иш олиб бормоқдалар, партия йиғилишларига ҳозирлик кўриш жараёнида уларнинг кўнглига йўл топиб, йиғилиш минбарида ўз фикр ва мулоҳазаларини баён этиш учун уларга йўлланма бермоқдалар.

Олтиариқ районидаги «Намуна» колхози партия ташкилоти партия йиғилишларига ҳозирлик кўриш ва ўтказишда кенг жамоатчилик кучи ва фикрига таянб иш кўриб яхши қилмоқда. Ўтказилган йиғилишлардан бирининг кун тартибига йиғим-теримни механизациялаш масаласи киритилди. Йиғилишга ҳозирлик кўриш комиссияси аъзолари бир неча кун давомида машина-трактор парки, устахоналарда бўлишиб материал, статистик маълумотлар тўплашди, инженерлар, механик-ҳайдовчилар билан суҳбатлашишди. Ниҳоят, йиғилишда докладчи ва музокараларда қатнашган коммунистларнинг сўзларидан шу нарса маълум бўлдики колхозда хусусан, йиғим-терим ишларини механизациялашга жиддий эътибор берилмай келинган. Оқибатда ялпи ҳосилнинг 25-28 процентигина агрегатлар билан терилиб, қўл меҳнатига мунтазам равишда катта эҳтиёж сезилган. Йиғилишда музокарага чиққан коммунистлардан О. Собитов ва К. Ҳамролиев ўртоқлар йиғим-теримни механизациялашда колхоз правленияси ва партия ташкилоти эътиборсизлик қилиб келаётганликларини конкрет фактлар асосида кўрсатиб ўтишди. Йиғилиш шу масала юзасидан таъсирчан қарор қабул қилди. Колхоз партия ташкилоти бюроси қарорнинг бажарилишини ўз контролига олди. Хўжалик кўп ўтмай яна иккита терим агрегати сотиб олди, 6 механик-ҳайдовчи қўшимча равишда тайёрланди.

Партия ташкилоти шу билангина чегараланиб қолмади. Аксинча, пахта терими даврида машина терими қандай бораётганини ўз йиғилишида икки марта кўриб чиқди. Механизаторлар ўртасида социалистик мусобақани авж олдиришга муттасил эътибор берди. Бунинг натижаси яхши бўлди. Колхозда машина терими плани 129 процент қилиб адо этилди. Ўтган йили ҳар бир машина билан ўртача 70 тонна пахта терилган бўлса, бу йил 110 тоннани ташкил этди. Машина терими шарофати билан катта иқтисодий фойда кўрилди.

Қува районидаги Карл Маркс номли колхоз коммунистлари ҳам йил бошида ўзларининг очиқ партия йиғилишларида бутун меҳнат аҳлининг тили учида турган, етилган бир масалани муҳокама қилдилар. Бу юбилей йилида ҳосилдорликни гектар бошига 40 центнерга кўтариш масаласи эди. Бирин-кетин минбарга чиққан коммунистлар, партиясиз колхозчилар, механизаторлар, сувчилар ўз сўзларида бизда гектаридан 40 центнерлик хирмон кўтариш учун имконият бор, дедилар. Йиғилиш минбаридан туриб айтилган сўзлардан қанчадан-қанча фойдаланилмай ётган резерв ва имкониятлар борлиги ҳам маълум бўлди. Шундай қилиб 40 центнерчилик учун кураш хўжаликда оммавий тус олди. Бу курашда колхоз партия ташкилоти коммунистларнинг авангардлик ролини таъмин этабилди. Пахтачиликда хўжалик йили жуда яхши якунланди. 680 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан зиёдроқ хирмон кўтарилди. Биз бу ютуқларни йил бошидаги очиқ партия йиғилишида кишиларнинг дилига ўт солган, реал имкониятларни кўз олдига келтириб, меҳнат аҳлини юксак маррага даъват этган оташин, жанговар сўзлар, таъсирли партиявий тадбирлар самараси деб биламиз.

Киров район партия комитети ҳам бошланғич партия ташкилотларида партия йиғилишларини Уставда талаб қилинган нормаларга мувофиқ жонли ва ижодий ўтишини таъмин этмоқда.

Райком бюросида жойларда партия йиғилишларига тайёргарлик ва уни ўтказишга доир масалалар 8 марта кўриб чиқилди. Шуниси характерлики, райком аппарати ходимларидан тортиб штатсиз инструкторларгача — ҳамма ўзи бириктирилган участкада партия йиғилишининг актив, самарали ўтиши учун жон куйиндиради. Натижада шу йилнинг ўтган 11 ойида 122 бошланғич ва цех партия ташкилотларида йиғилиш белгиланган муддатда ўтди. 120 партия ташкилоти йиғилишида коммунистларнинг деярли ҳаммаси иштирок қилди.

Область партия комитети партия йиғилишларини коллектив фикрини ифодаловчи, оммани илҳомлантирувчи, партия ғояларини меҳнаткашлар ўртасида тарғиб этувчи минбар деб билади. Қолаверса, партия йиғилиши танқид ва ўз-ўзини танқид минбари ҳамдир. Шу йилнинг 11 ойи мобайнида областдаги жамики бошланғич партия ташкилотларида бўлиб ўтган партия йиғилишлари ҳудди шу руҳда ўтди. Ана шу йиғилишлар натижалари шуни кўрсатиб турибдики, бошланғич партия ташкилотлари ва уларнинг бюро аъзолари ҳам, кўпминг сонли коммунистлар ҳам КПСС Устави талабларига қаттиқ риоя қилмоқдалар, партия йиғилишининг мақаддаслигини ҳамиша ҳис қилмоқдалар. Шу йилнинг 11 ойи мобайнида аксари бошланғич партия ташкилотлари йиғилишлари Устав қоидаларига батамом мувофиқ, коммунистларнинг актив иштироки таъминланган ҳолда ўтгани ҳам фикримизни яққол исботлайди.

Биз коммунистларнинг ленинча тарбия мактаби бўлган партия йиғилишлари ролига ҳамиша юксак баҳо берамиз. Неча юзлаб бошланғич партия ташкилотларида ўтадиган партия йиғилишлари бамисоли денгизга қуйиладиган юзлаб ирмоқларни эслатади. Коммунистларнинг, меҳнат аҳлининг оташин сўзи, жўшиб турган ташаббуси, фикр ва мулоҳазаси оқади бу ирмоқлардан! Область партия комитети юзлаб, минглаб кишиларнинг ана шу қудратли овозига қулоқ солишга, партия йиғилишлари роли ва моҳиятини янада оширишга ҳамиша катта эътибор беравади.

Ф. ШАМСИДДИНОВ,
Ўзбекистон КП Фарғона область комитетининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.





„Тоштекстильмаш» заводи Совет Иттифоқи, шунингдек чет эл тўқимачилик фабрикаларига хилма-хил машиналар етказиб бераётир. Унинг маҳсулотларига талаб катта. Юқоридаги суратда ана шу заводнинг илғор назоратчиларидан бири — О. Фридман, у маҳсулот сифатини текшириб кўрмоқда. Пастдаги суратда эса Тошкент электротехника заводи асбобсозлик цехининг тажрибали ишчиси А. Иброҳимов. У заводда 20 йилдан бери ишлаб бой тажриба орттирган. Смена топшириқларини ошириб бажармоқда.

И. Глауберзон фотолари.

Ахборот

ТОШКЕНТ

ЖАМИЯТ ЮБИЛЕЙИ

Туркистон география жамияти бундан 75 йил аввал ташкил этилган. Бугунги кунда Узбекистон география жамияти номини олган бу илмий даргоҳ совет даврида йирик олимлар, географлар ҳисобига кенгайди. География жамиятининг Самарқанд, Фарғона, Чирчиқ, Қарши, Хива ва Урганч шаҳарларидаги бўлимларида олиб борилаётган илмий тадқиқот ва пропаганда ишлари эвазига янги маълумотлар тўпланмоқда.

Ўрта Осиёда кенса саналувчи Узбекистон географик жамиятида диёримиз рельефини ўрганаётганларнинг ҳисобот-сайлов йиғилиши ўтди. Жамиятнинг 400 дан ортиқ ҳақиқий аъзоси ўз раҳбар органларига таниқли табиатшунос ва географларни кўрсатишди. Улар орасида Узбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси И. Райнова, профессорлардан Л. Бабушкин, Ҳ. Ҳасанов, В. Шульц, О. Шчеглова, О. Пословскаялар бор. Республика география жамияти раиси қилиб профессор З. Анрамов сайланди.

Р. РАҲИМБЕКОВ.

БЎЛАЖАК ЖУРНАЛИСТЛАР

Тошкент дорилфунуни талабалари ҳурсанд бўлиб қолишди. В. И. Ленин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Давлат университетининг бош корпусида журналистика факультетининг ўқув-матбаа корхонасини ишга туширишга тайёргарлик кўрилмоқда. Босмахона учун 80 минг сўмлик асбоб-анжомолинди ва ускуналар монтаж қилинди. Янги йилдан бошлаб «Тошкент университети» кўп тиражли газетаси ана шу янги босмахонада чоп этилади. Энди журналистликни танлаган ёшлар назарий билимларини ўзлари учун қуриб берилган замонавий босмахонада амалий синовдан ўтказиш имкониятига эга бўлишади.

В. НАСРИДДИНОВА.

ГВИНЕЯЛИКЛАР МАМНУН

Лак-бўёқ заводи маҳсулотларининг довруғи ортмоқда. Бўёқларимиз бугунги кунда Монголия, Куба, Вьетнам, Афғонистон, Болгарилда ҳам шуҳратли. Бу мамлакатлар тошкентликлар тайёрлаган юз хилга яқин бўёқ-эмаль ва лак маҳсулотларини сотиб олмоқдалар. Яқинда завод маъмурияти яна бир буюртма олди. Галдаги буюртмани Гвинеядан йўллашибди. Уларга заводнинг юбилей йилида ишлаб чиқараётган «ПФ-266» маркали янги бўёқ маҳсулоти ёқиб қолибди.

Ф. АСАТОВ.

ЮТУҚЛАРИМИЗ КУЗГУСИ

Советлар Иттифоқининг шонли 50 йиллик байрами арафасида республикамизнинг бир группа маданият ва санъат ходимлари Югославия бўйлаб сафарга чиқишганди. Улар саёҳат кунлари югославяликларга «оқ олтин» ўлкасининг юбилей йили муваффақиятларини «Узбекистон — СССР қардош халклари оиласида» деган кўргазма тимсолида намойиш қилдилар. Кўргазмада турли фотосуратлар, рассомларимиз асарларидан намуналар, ўзбек китоблари кўз-кўз қилинди. Серқуёш ўлкамиз ҳақидаги бадиий ва ҳужжатли фильмлар кўрсатилди. Сайёҳлар Бельград, Македония ва Скопле шаҳарларида бўлдилар. Бадиий ҳаваскорларимиз концертлар намойиш қилдилар.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

ЯНГИ МАРКАЛАР

СССР Алоқа министрлиги партия XXIV съезди қарорларини тарғиб этувчи янги хилдаги маркалар туркумини муомалага чиқарди. Нафис ва чиройли қилиб ишланган мариалардаги ифодали расмларда халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришда оғир саноатнинг роли, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва телевидение орқали бошқариш кабилар акс эттирилган. Босмадан янги чиққан беш туркумдан иборат бошқа хил маркаларда эса СССР герби ва 50 рақами қайд қилинган. СССР Иттифоқининг шонли юбилейига бағишланган бу маркалар чиройли ва рангли қилиб ишланган.

И. УСМОНОВ.

АРМУҒОН

«Узбексельмаш» заводи ишчилари ва инженер-техник ходимлари ССР Иттифоқи барпо этилганининг 50 йиллик тўйини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани қизитиб меҳнат қилдилар. Завод коллективи меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, эскираётган ускуналарни мукаммал ускуналар билан алмаштириш, модернизация қилиш борасида катта тадбирларни амалга оширди.

Улар тўққизинчи беш йилликда 28 мингта тупроқни гербицидлаш мосламаси, 17,5 мингта кўсак чувиш машинаси, 36,8 мингта соялка ва бошқа қишлоқ хўжалик механизмлари ишлаб чиқаришга белгоғлашган. Завод аҳли чигит экиш ва гербицидлашга мослаштирилган агрегатлар, канол янчиш машинаси каби янги хил олти қаторли машиналар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш устида қунт билан ишлаяпти.

Инженер-техник ходимлар янги лойиҳа асосида заводни реконструкция қилиш, 300 та эскирган ускуналарни янгилаш, кам маблағ сарфлаб ишлаб чиқариш жараёнларини қайта созлаш, учта цехни ремонтдан чиқариш сингари қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Беш йилликнинг ўтган даври мобайнида деҳқонларга мададкор бўлаётган завод ишчилари техникани янада такомиллаштириш борасида бир мунча ишлар қилишди. Янги хил экиш аппаратлари ўрнатилган сеялкалар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бундай аппаратларда уруғ ташлаш нормасини белгиловчи мосламалар бўлиб, ҳар гектар ердан 13,9 килограмм уруғ тежаб қолинади.

Заводда Ростов машинасозлик илмий-тадқиқот институти мутахассислари томонидан яратилган янги «СНЗ-А1» маркали дастгоҳ ўрнатилди.

— Авваллари механик усулда бир сменада бешта станок билан 300 та тишли ғилдирак тайёрлар эдик, — дейди станок созловчи Д. Прокофьев, — ҳозир янги хил станокда мингдан ортиқ деталлар тайёрлаяпмиз.

Корхона мутахассислари илғор чўяндан қуйиб келинган қатор деталларни пластмассадан тайёрлаш жараёнини жорий этишди. Бу, иш вақтини ва хом ашёни тежашга, маҳсулот таннархини камайтиришга ҳамда кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга имкон беряпти. Пластмасса деталлардан ясалган «СТХ-4а», «СЧХ-4а» маркали агрегатларнинг дастлабки нусхалари синовдан муваффақиятли ўтди.

Ишлаб чиқаришга пластмассанинг татбиқ этилиши металл қирқиш ва термик ишлов бериш ускуналаридан бошқа мақсадларда фойдаланишга йўл очиб берди. Йилига 20,1 минг сўмлик маблағ тежаб қолиняпти.

— Биз тайёрланаётган машина ва ускуналар пахтакорлар ишини янада енгиллаштирадиган бўлишини таъминлашга ҳаракат қиляпмиз, — дейди меҳнатни илмий ташкил қилиш лабораториясининг катта инженери С. Ерохин, — ҳозир электр энергия билан ишлайдиган мукаммал янги кўсак чувиш машинасини ишлаб чиқаряпмиз. Маҳсулотимизга талаб катта. Колхоз ва совхозлардан буюртмалар келиб турибди.

А. ФОЗИЛОВ.

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ҲАММАГА МАНЗУРМИ?

Газетамизнинг шу йил 18 ноябр сонида чиққан юқоридаги сарлавҳа остида босилган танқидий мақола юзасидан тубандаги жавоблар олинди:

Мақола Узбекистон ССР Тайёрлаш министрлигининг кенгайтирилган мажлисида корхоналарнинг раҳбарлари иштирокида муҳокама қилинди. Унда баён қилинган танқидий мулоҳазалар тўғри деб эътироф этилди. Мақолада кўрсатилган камчиликларга йўл қўйганликлари учун Тошкентдаги 3-ун заводининг директори М. Ғуломов, Бухоро ун комбинатининг директори Б. Бақоев ва Қарши ун комбинатининг директори М. Шариповлар огоҳлантирилди. Уларга юқоридаги камчиликларнинг яна такрорланишига йўл қўйсалар қаттиқроқ жазо кўрилажаги айтилди.

Республикадаги барча ун корхоналарининг раҳбарларига истеъмолчиларга унни амалдаги қоидага қатъий риоя қилган ҳолда жўнатиш ҳақида кўрсатма берилди.

«Узглавхлеб» маълум қиладики, мақола муҳокама қилинди. Унда келтирилган фактлар тасдиқланди. Маҳсулот сифатини яхшилаш мақсадида бир қатор техникавий тадбирлар белгиланди ва амалга оширилмоқда. Маҳсулот сифати ҳақидаги масала «Узглавхлеб» ва нон корхоналари раҳбарларининг доимий назорати остига олинди.

НОНИМИЗ МАНЗУР БЎЛСИН

ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАР

...Кўрик қатнашчиларидан уч-тўрт киши ўрнидан туриб, бир яшик турли хил нонларни ўртага келтириб қўйди-да, ўтирганларга мурожаат қилди:

— Бу нонларни савдо дўконларидан сотиб олганмиз. Улар орасида батон нон ҳам, бўлка нон, аржаной нон ҳам, гижда оби нонлар ҳам бор. Бири кичик, бири катта, қингир-қийшиқ, куйган, пишмай ярми хом қолган. Бу нонлар шаҳримиз корхоналарида тайёрланган. Улар «Тошкент нон шаҳри» деган номга доғ эмасмикан?!

Одамлар бир кўз-кўз қилинаётган ажойиб нонларга, бир яшикдан олиб қўйилган ҳалигидай сифатсиз нонларга қараб ҳайрон қолишди. Икки хил манзара, икки хил нонлар...

Савдо ташкилотлари ходимлари билан нон етказиб берувчилар ўртасида қизғин мунзара бошланди. Ҳар иккала томон ҳам ўзларини оқлашга ҳаракат қилишар, мавжуд етар-етмасликларнинг олдини олишга аҳдлашар эдилар. Лекин ўжар фактлар сирни ошкор қилади. Хўш, нима қилиш керак? Қандай қилсак нонларимиз хушхўр ва манзур бўлади?

Ўзбекистон ССР озиқ-овқат саноати министрининг ўринбосари А. Маҳмудов ана шу ҳақда гапирди.

— Харидорларнинг, савдо ташкилотларининг адресимизга айтаётган таниқидий фикрлари жуда тўғри, — деди у. — Нон турларини кўпайтириш, нон маҳсулотларига нисбатан аҳоли талабини қондириш борасида катта тадбирлар амалга оширилянти. «Узглавхлеб» ихтиёридаги корхоналар сони ва қуввати анча ортди. Маҳсулотларимиз тури қариб бир ярим баравар кўпайди. Ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш жадал тус олган. Ҳозир, бир кеча-кундузда шаҳар бўйича 510 тонна нон, 100 тонна булка маҳсулотлари, 90 тоннадан зиёд миллий нонлар етказилянти. Булка нонлари ишлаб чиқарувчи комбинат, 3, 4-нон заводлари, темир йўл нон заводи маҳсулотлари харидорларга манзур. Бу яхши, албатта. Аммо, иккинчи нон комбинатига ўхшаш қолоқ ва сифатсиз маҳсулоти билан Тошкент нони номига доғ тушираётган корхоналар ҳам борки, уларнинг ишини қайтадан ташкил этишга қаратилган чоралари кўрмоқ лозим.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигидан нон ва булка маҳсулотларининг турига нисбатан аҳоли эҳтиёжини ўрганиб чиқишини, нон етказиб бериш борасидаги Москва, Ленинград шаҳарларидаги илғор тажрибани Тошкентда ҳам қўллашни, нонларни контейнер усулда ташишни кенг жорий этишни сўраймиз.

Республика Автотранспорт министрлиги майда кондитер ва булка маҳсулотларини иссиқ ҳолида дўконларга чиқариш учун «УАЗ» типидаги кичик габаритли енгил автомашиналар ажратиш лозим. «Узглавхлеб» ихтиёрида «Ташхлеб» бирлашмасини кечаю-кундуз ишлайдиган диспетчерлик хизматини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Яқинда Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги томонидан ташкил этилган нон маҳсулотлари қўригида ана шулар ҳақида гап бўлди. Тошкентдаги барча озиқ-овқат корхоналарининг маҳсулотлари сифати ҳақида мақтов сўзлари билан бир қаторда, ўткир танқидий фикрлар ҳам рўй-рост айтилди. Биз шундай фойдали кўриклар фақат шаҳар миқёсида эмас, республика бўйича ҳам тез-тез ўтказиб турилишини, нон ва бошқа озиқ-овқатлар сифатини, турини оширишга қаратилган конкрет чоралар кўрилишини истардик.

Ҳ. ҚОДИРОВ,

АВТОМОБИЛЬ ИШҚИБОЗЛАРИ ХИЗМАТИДА

СССР Министрлар Советининг гражданларга қарашли шахсий автомобилларга техника хизмати кўрсатишни янада яхшилаш ҳақидаги қароридан буён бир йил вақт ўтди. Ўз ишини ана шу қарор асосида ташкил этган «Узавтотехобслуживание» Тошкент шаҳар бошқармасининг коллективи дуруст натижаларни қўлга киритмоқда. Ҳозир шаҳарда автомобилларга техника хизмати кўрсатувчи 8 та станция самарали ишлаб турибди. Бошқарма йиллик плани муддатидан 23 кун барвақт бажарди.

— Аҳолига пландаги 1 миллион 71 минг сўм ўрнига 1 миллион 100 минг сўм техника хизмати кўрсатилди, — дейди бошқарма бошлиғи Ҳ. Ниёзматов. — Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан бир ярим баравар ошиқдир. Бошқармамиз коллективи йил охиригача пландан ташқари яна 60 минг сўмлик техника хизмати кўрсатишга аҳд қилди.

Бошқармага қарашли 1, 3, 4, 5, 7-техника хизмати станциялари коллективлари ноябрь ойидан буён 1973 йил ҳисобига ишламоқдалар.

Узбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги ҳамда маҳаллий саноат, коммунал ва маиший хизмат корхоналари ишчилари касаба союзи республика комитети ўзаро социалистик мусобақанинг 1972 йил учинчи квартал иш якунларини қараб чиқиб, кўчма Қизил байроқ ва иккинчи пул мукофотини (1500 сўм) ана шу илғор бошқарма коллективига беришга қарор қилдилар.

ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ

ДОВРУҒ

Қаршимизда кулча юзли Эргаш Жумаев кулиб турибди. Унинг эгнида комбинезон, оёғида эса кирза этик. Пешанасига танғиб олган шойи қийиқчаси ўзига ярашган. Гапирганда юзидан кулги аримайди. Ҳамиша қувноқ, хушчақчақ кўринади. Биз билан қуюқ, самимий саломлашди. Ҳозирча ишдан сўз очмайлик, бир чойлашиб олсак, гап кейин бўлар, тарзида тикилди у.

— Сизга икки оғиз гапимиз бор эди, — дедим сабрим чидамай бригадирга.

— Бажонидил!

Шу пайт унга бошдан-оёқ яна бир қараб олдим. Еши қирқлар атрофида. Тоғни урса талқон қиладиган кўринади.

— Майдонингиз неча гектар?

— 81 гектар, — деди кенг пайкалларга разм соларкан.

— Қанчадан ҳосил олишни мўлжаллаяпсизлар?

Савол кўпайиб кетишини сездими, ўз-ўзидан қисқа қилиб гапира қолди:

— Илгари унумдор ерда ишлаб юриб, 40-45-50 центнер деган гапларга ўрганиб қолган эканмиз. Янги ерга кўчиб ўтган бўлсак ҳам, яна шу олдинги гапларимизни қўйганимиз йўқ. План камроқ бўлса ҳам, биз 50 центнерчилар ҳаракатига қўшилганмиз. Халқимизда яхши ният ярим мол деган гап бор. Ҳосилнинг асосий қисмини машинада териб олдик. Ҳар йили ҳам шундай қиламиз...

— Кимлар билан мусобақа ўйнагансизлар?

— Бултур колхозда Яраш Орипов бригадаси билан мусобақалашдик. Чакки бўлмади. Ҳосилдорлик бир йилда 9 центнер кўтарилди. Пахтани нуқул юқори сортларга топширдик. Партия, ҳукуматимиз меҳнатни юқори баҳолади. Менга «Республикада хизмат кўрсатган пахтакор» деган фахрий унвон берди.

— Юбилей йилидаги ишларингиздан гапиринг, меҳмонларга, — дея гапни бўлди агроном.

СССРнинг олтин тўйи шарафига колхозимизнинг Ғафур Яхшиев бригадаси аъзолари билан мусобақалашиб ишлаяпмиз. Маррамиз 50 центнердан!

Дарвоқе, янги ўзлаштирилган участкада пахтадан юқори ҳосил кўтариш осон иш эмас. Бунинг учун улкан қалб, забардаст куч, катта меҳнат, садоқат эгаси бўлиш лозим. Коммунист Эргаш Жумаевда худди шундай ҳарорат, жасорат бор эди. У ҳар туп ғўзани гармселдан, дўл ва селдан кўз қорачиғидай асради. Вақти келганда тунларни тик оёқда ўтказди. Табиий офатларга қарши мардонавор курашди. Бутун бригада аъзолари далада тунаб ишладилар. Айниқса, бригада тракторчилари Р. Қурбонов, Қ. Тоҳиров, М. Тошевлар жасоратини айтмайсизми? У кундузи ғўзага ишлов берса, кечаси маҳаллий ўғит ташийди. Тиниб-тинчимайди.

— Юбилей йилида жуда қаттиқ меҳнат қилдик, — деди Эргаш Жумаев, — кунда бир ўзаро йиғилишиб, ишдан кейин бригада аъзолари билан ишимизга якун ясашни, эрталик вазифаларни белгилаб олишни одат қилиб олдик. Ҳар бир колхозчи, механизатор қандай ишлаганини, бундан ҳам яхшироқ ишлаш учун нималар қилиш кераклигини белгилаб чиқадиган бўлдик. Бундан кейин бирор киши ишга чиқмай қолса, унинг нормасини ҳам бажариб, икки киши уч кишининг ишини бажаришга одатландик.

Энди Эргаш Жумаев бригадасининг довруғи Бухорода нима учун шунчалик достон эканлиги равшан эди. Шундай бўлса ҳам суҳбатимиз охирида:

— Айтингчи, бу ташаббусга қўшилишдан мақсад нима эди? — деб сўрадик.

Бригадир сизга қандай тушунтирсам экан, дегандек маъноли қараб қўйди. Кейин унинг кулча юзида табассум ўйнади:

— Узингиз биласиз. Халқимизда яхши одат бор. Катта тўйга тўёна билан борилади. Биз ҳам маслаҳатлашиб, СССРнинг 50 йиллик юбилейини муносиб тўёна билан кутиб олмоқчи бўлдик, мақсадга эришдик. Агар бултур ҳар гектар ердан 41,3 центнердан ҳосил кўтарган бўлсак, юбилей йилида 48 центнерлик маррани эгалладик. Она-Ватанга 388 тонна сифатли пахта етказиб бердик. Бизга шундай бахтиёр ҳаёт берган, барча миллат ва элатлар билан қардош қилиб бирлаштирган СССРнинг камолот ёшига етиб пахтадан мўл ҳосил етиштиришдан ҳам олижаноб иш бўларми! Биз бошлаган ташаббуснинг боиси ҳам ана шу эди. Шонли юбилей йилида Эргаш Жумаев эришган муваффақият тилдан тилга, дилдан дилга ўтяпти. Ташаббускор бригадир Эргаш Жумаевга СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон берилди.

Биз Эргаш Жумаев билан яна учрашдик.

— Бу олий мукофот дейди у,— бутун бригадамиз аъзоларининг меҳнатига берилган юксак баҳодир. Бундан бўён ҳам эл-юртимизга кўпроқ маҳсулот етказиб беришга ҳаракат қиламиз ва партия, ҳукуматимизнинг ишончини оқлаймиз.

...Шофиркон районидаги «Қизил байроқ» колхозининг Эргаш Жумаев бригадаси катта тўйга ёруғ юз, шоду ҳуррамлик билан келди. Ҳосилдан бўшаган далалар чўқур қилиб ҳайдаб қўйилган, сахий тупроқ ором олиб, келаси йил ҳосилига куч тўплаяпти.

Т. НАЗИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ВАТАН ЙЎЛЛАРИДА

Асқад МУХТОР

Ҳозир халқ ҳаёти нихоятда қайноқ, одамларнинг димоғи чоғ, руҳи баланд. Айниқса, меҳнат жабҳасида, беш йилликнинг иккинчи йили мамлакатимизнинг ярим асрлик шонли санасига тўғри келиб, мисли кўрилмаган ажойиб ташаббус ва самаралар юз бермоқда. Илк кузда ўртоқ Л. И. Брежневнинг республикамизга келиши меҳнат аҳлининг рағбатини ошириб юборди. Республикамиз пахтакорлари мисли кўрилмаган улкан хирмон кўтардилар.

Бу йилгидек қизғин, долзарб пайтларда ёзувчилар ҳам уйда бепарво ўтиролмайди. Айниқса, мамлакатимизнинг 50 йиллиги шарофати билан ёзувчиларимизнинг ҳар хил ижодий сафарлари жуда кўпайиб кетди. Бутуниттифоқ ёзувчилар уюшмаси ва марказий адабий органлар ёзувчиларнинг узоқ ва кўп муддатли сафарлари ва рейдларини, мамлакат бўйлаб саёҳат ва дўстлик учрашувларини, катта аудиторияларда ижодий ҳисоботларини жуда кенг миқёсда уюштирмоқда. Бу тадбирларда Узбекистон ёзувчилари ҳам анча актив қатнашмоқда. Шу яқин орада бизнинг ёзувчиларимиз Украина ва Белоруссия, Сибирь ва Узоқ Шарқ, Урал ва Кавказ ўлкаларида бўлишди. Шу қаторда мен ҳам ёзувчилар группалари билан Донбассда, Тоғли Олтой ва Хакасияда, Хабаровск ва Камчаткада, Чукотка ва Магадан, Колима ва Шимолий Қутб денгизи соҳилларида, сўнгги ойларда эса Қозоғистон ерларида бўлдим. Бу юришлар, албатта, оддий саёҳат эмас эди; маълумки, ҳамма яхши китоблар асосан мана шундай сафарлар натижасидир. Ёзувчиларнинг бу сафарларда орттирган ҳаётий озуқалари келгусида бирон асарда албатта акс этади, деб ўйлайман. Бундай сафарларда қатнашган ёзувчи, қайси мавзуда ёзса ҳам, унинг ҳаётга қарашлари, ижодий уфқлари, қамраш миқёслари кенгроқ бўлади. Айниқса, биз шиддатли Шимол ўлкаларида оғир шароитларда меҳнат қилаётган одамлар билан танишдик, бундай шароитда одам характери ёрқин кўринади. Совет кишиси образи ҳақида ўйлаганимизда, бу ёрқин характерлар доим кўз олдимизда туради.

Бу юришлар мамлакатнинг 50 йиллигига муносабати билан уюштирилгани учун уларнинг ҳар бирида аниқ ижодий мақсадлар бор эди.

Маълумки, Иттифоқимизнинг 50 йиллиги ҳамма байрамларимиз сингари шонли ва қувончли бўлиш билан бирга, бир ўзига хослиги ҳам борки, у ҳам бўлса унинг буюк дўстлик руҳидир. Халқлар, миллатлар, инсонлар дўстлиги бу байрамнинг асосий мазмунидир. Мен саёҳатларимнинг ҳаммасида аввало шуни сездим, аввало шу ҳақда кўп ижодий фикрлар туғилди, аввало шунга доир кўп деталларга дуч келдим, маънавий ва руҳий жиҳатдан бойиб қайтдим, десам бўлади.

Донбасс сафарини олайлик. Биз, бир гуруҳ ўзбек ёзувчилари шонли ишчи синфининг энг жангговар отряди ҳаёти билан танишдик. Донбасснинг ҳар «учала қаватида» — осмонида, ерида ва ер остида узоқ йўл босдик. Маълумки, бу — Стаханов, Изотов синфари афсонавий меҳнат қаҳрамонларининг ватани. Кўзимизга ташланган ажойиб деталь шу бўлдики, бу ернинг санъат ва адабиётида ҳам, ҳайкалтарошлиги ва музикасида ҳам мана шу афсонавий образлар, мана шу шонли меҳнат анъаналари жуда яхши акс эттирилиби. Меҳнат анъаналарининг авлоддан авлодга ўтиб келаётганлиги санъатда бир лейтмотив. Донбассликлар бу традициялар билан фахрланишади, меҳнат ветеранлари ўз музейларини ташкил этишган, ишчи синфининг ажойиб традицияларини ёшларга ўзлари тушунтиришади.

Биз ҳаммамиз сафарларимиздагидек, бу ерда ҳам дўстлигимизнинг ажойиб рамзий белгиларини ҳар қадамда учратдик. Тарас Шевченко номидаги колхознинг Ғафур Ғулом номидаги кўчасида адабиёт музейи бор экан. Унда колхознинг фахрий аъзоси Ғафур аканинг китоблари, қоғозлар қилган шахсий буюмлари ардоқлаб сақланади. Ундан узоқ эмас, бир колхоз қайинзорида фарғоналик жангчи Сирожиддин Валиевнинг қабри бор. Уруш вақтида қилган ишлари афсонага айланиб кетган бу жасур равзедкачи жонажон украин тупроғи учун жангда ҳалок бўлган эди. Кексалар, пионерлар қаҳрамон қабрига ҳарчоқ гул қўйишади.

Айниқса, мамлакат бўйлаб қилган сўнгги катта сафаримизда бундай деталларни мен жуда кўплаб тўпладим. Бу сафар москвалик ёзувчи ва журналистлар билан биргаликдаги рейд бўлиб, ўттиз минг километрча йўл босдик. Бундан мақсад — мамлакатимиздаги кичик халқлар, турли элатларнинг ҳаёти билан танишиш эди. Маълумки, партиямизнинг XXIV съездида айтилишича, Октябрдан кейин бизда 40 дан ортиқ халқ ва элатлар янгидан ўз ёзувига эришиб, янги миллий маданият яратди ва буюк халқлар оиласига қўшилиб, коммунизм қурилишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Мана шундай халқлардан алтойлар, хакаслар, Узоқ Шарқдаги удегейлар, нанайлар, Камчаткадаги ительменлар, алеутлар, коряклар, Шимолий тундрада яшовчи чукчилар, эскимослар ҳаёти билан бир ойча юриб анча тузук танишдик, уларнинг 50 йил ичида яратган ўзига хос миллий маданияти, хўжалик қурилишида эришган ютуқларини кўрдик.

Бу ютуқлар чиндан ҳам ҳайратда қоларли: бизнинг абадий қуёш ўлкасидан абадий муз ликларгача жуда узоқ йўл. Аммо Шимолий муз денгизи соҳилидаги Певек деган жойда буғи боқувчилар бизга яшнаб турган қизил гул тақдим қилишди. Фарғонада, гуллар водийсида ўсганман. Аммо денгиздай тўлғаниб, яшнаб ётган гулзорлар ҳам мени мана шу бир дона гулчалик ҳаяжонга солмаган эди. У гуркираган катта гулдасталардан ёзизроқ туюлди. Шимолий Камчатканинг иссиқ булоқлар водийсида помидор, бодринг, карам ўсаркан. Бир вақтлар Габерланд деган олим тундрада ўсимлик кўкарадиган чегарани аниқлаб, харитага чизиқ тортган эди. «Ҳаёт чизиғи» деб аталадиган бу чегара Певекдан бир неча минг километр жанубда. Аммо ҳозирги совет кишилари — чўкчилар, коряклар бу чегараларни бузиб, тундрада ҳам савзавот етиштиришяпти.

Беринг денгизининг қирғоғида Уэлен деган қишлоқ бор. У мамлакатимизнинг шарқи-шимолидаги энг охирги, энг узоқ қишлоқ. Дўстимиз, таниқли ёзувчи Юрий Ритхэунинг ватани. Унда денгиз овчилари — чўкчилар, эскимослар туради. Бу жой суяккa, морж тишига нақш солувчи кекса усталари билан машҳур. Мен Ҳингит деган 80 яшар наққош уста билан суҳбатлашдим. Унинг айтишича, бир вақтлар, бу ерда америкалик талончилар ҳукм сурган замонларда чўкчи ва эскимосларнинг ўрта ёши ўттизга ҳам етмас экан. Қирилиб тугаб кетишга маҳкум этилган бу халқлар ҳозир ўз ёзувчисига, юксак миллий санъатига эга. Уэлен усталарининг бадиий буюмлари жаҳон бозорларида машҳур. Биз эскимос ёшларидан тузилган «Эргирон» ансамблининг концертларини кўриб ҳайратда қолдик. Бу ансамбль Кремлда концерт қўйибди, ҳозир Парижга жўнаш учун тайёргарлик кўрмоқда. Бундай миллий ансамбларни биз Анадирда, Паланада ҳам кўрдик. «Менго», «Каюю» деб аталадиган бу коряк ва чўкчи ансамбллари ҳам чинакам юксак ва ўзига хос миллий санъат намуналарини кўрсатишди.

Илгари «мангу сукунат ўлкаси» деб аталган Чукотка ҳозир қайнаб ётибди. Колима трассаси серқатнов. Совуқ 70 даражага етадиган, йилига уч ойлаб қуёш чиқмайдиган бу шиддатли ўлкада энг сара, чинакам пўлат иродали одамлар ишлайди. Уларни ўйлаганда ёқут шоири Семен Даниловнинг сатрлари эсга тушади:

Меҳнат куйи янграса қиш ҳам меҳрибон,
Иссиқ пўстин каби қору қаҳратон!

Бу абадий музликларнинг асосий бойлиги — олтин. Чўкчиларнинг ажойиб афсонаси бор экан: ғўё олтин буғи бўлган эмиш-да, бир кўкарган гиёҳ излаб тополмай, чарчаб йиқилиб қолган эмиш. Олтин буғининг ётиб қолган жойи шу Чукотка экан.

Бу афсонани эшитганимда мен ҳазиллашдим: бизнинг Узбекистонда ҳам ҳозир олтин бор, Қизилқумда ҳам биронта олтин туя йиқилиб қолган бўлса керак, деб кулишдик.

Шунда бу шимол ўлкасининг қўшни Узбекистон билан алоқалари ҳақида гап кетди. Чўкчилар, эскимос ва коряклар, камчатка-лик ўртоқлар бизнинг республикамиз меҳнаткашларидан жуда миннатдор. Пахтамизнинг иссиғи шу ерда асқотмаса қаерда асқотади! Бизнинг ширин-шакар меваларимизни олиб туришар экан, раҳмат айтишди.

Шарқи-шимол эллари, буғубоқарлар, овчи, мўйначи, баликчи, денгизчи заҳматкашларнинг ҳаёти бизда сира эсдан чиқмайдиган таассурот қолдирди. Бу ерда буюк воқеалар, буюк ишлар қилиняпти. Маълумки, адабиёт шундай буюк ишлар атрофида ярашади. Россиянинг бепоёнлиги, улуғворлиги ҳақида кўп ўқиганмиз, кўп қўшиқлар айтганмиз. Аммо бу бепоёнликни, бу улуғворликни ўз оёғи билан юриб кўрган одамнинг таассуроти бошқача бўлар экан. Биз ёзувчилар улуғ Россия олдида ҳали кўп қарздормиз. Александр Блок «Россияга бутун ҳаётимни бағишладим» деб ёзган эди. Биз Россияга ҳали кўп нарса бағишлашимиз керак. Бу сафарда мен буни қаттиқ ҳис этдим.

Ватанимизнинг 50 йиллик олтин тўйи нишонланаётган шу қутлуғ айёмда бутун дунё буюк тарихий ҳужжатнинг гувоҳи бўлди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Москвадаги тантанали мажлисда қилган доклади мамлакатимиз халқлари Совет Социалистик Республикалар Иттифоқидан иборат ягона оилага бирлашиб, ярим аср мобайнида босиб ўтган қаҳрамонона йўлимизни тавсифловчи революцион қисса, халқларимиз интернационал қардошлиги ва ленинча дўстлигининг чинакам симфонияси бўлиб янгради. Бизнинг халқимиз бу улуғ ҳужжатдан руҳланиб, илҳомланиб коммунизм йўлидан янги заферлар сари бораверади.

Бухоро область Ғиждувон районидаги «Коммунизм» колхозининг аъзолари бу йил пахта майдонининг ҳар гектаридан 32 центнердан хирмон кўтаришди. Улар эришган муваффақиятларини янада мустаҳкамлаш учун келгуси йил мўл ҳосилга пухта замин тайёрламоқдалар. Шудгорлашдан илгари далаларга маҳаллий ўғит ташиб чиқарилмоқда. Суратда: механизаторлар Х. Рўзиев ва И. Сайфуллаевлар. Улар ер ҳайдашда намуна кўрсатиб ишлашмоқда.

Б. Мўминов фотоси. (ЎзТАГ).

МЕҲНАТГА МЕҲР

Қўлга меҳнат олсин аввал ҳар киши бахт изласа,
Топдилар меҳнат билан кўп лар улуғ унвону от...

ҲАБИБИЙ.

ЛАВҲА

Ҳа, меҳнат кишини улуғлайди, кўкларга кўтаради. Кўксига Олтин юлдуз, қўша-қўша орденлар тақанларни кўриб ҳавас қиласан киши. Бу ҳам меҳнат билан. Шу туфайли меҳнатни янада эъзозлагинг, қадрлагинг, меҳнатда донг таратганлар билан жуда-жуда фахрланинг келади.

Сизни таништирмоқчи бўлаётган фидокоримиз ҳам меҳнатда суяги қотганлардан. Ота-бобоси деҳқон эмасми, улар изидан бораётган ота ўғил. У пахтакор касбини улуғлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Ўрта мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ тақдирини пахта ишқи билан боғлади. Эл қатори этак тутиб чўл дурдонасини терди. Неча-неча термичининг юмушини бажараётган мўъжизакор агрегатга меҳр қўйди. Қани энди уни тезда ўзлаштирив олса-ю, тонна-тонналаб пахта терса. Ниятн йўлдоши бўлди. Орзуси ушалди. Ўрта мактабни тамомлади-ю, пахтачилик совхозида ишлаш мақсадини билдирди. Совхоз раҳбарлари номига ариза ёзиб, ўз орзуларини баён этди. Орзунинг чегараси йўқ, унга кенг йўл. У механизаторлик курсига ўқишга юборилди. «Қўш қаноти билан кучли» деганларидек, чўлдаги хўжаликлар ҳам машинаю-техникаси ва мутахассис кадрлари билан кучли. Тез орада Дўстлик районидаги «Комсомол» совхози механизаторларининг сафи яна бир кишига кўпайди. Қатордан Мусурмон Латипов жой олди.

Ўша йили ўзига бириктилган машина билан 60 тонна пахта терди. Бу рақам донгдор механик-ҳайдовчиларнинг бир ярим кунда терадиган пахтаси. Шу сабабли «Бу йил бункердан неча тонна бўшатдингиз?» деган саволга «Ҳа энди, бўлганича-да» дея жавоб қайтарса ҳам рақамни тилга олиси келмасди. Терган пахтасининг камлигидан кези келганда ўзи ҳам ўнгайсизланарди. «Қанча тонна?» дейилган ҳар бир савол уни ганграгиб қўярди. Кечалари булар унга гўё бир таъналек бўлиб туюларди. На чора, биринчи йили ёшлик қилди, тажриба кам, машина сирларини пухта ўзлаштириб олмаган. Ўзига режалар белгилади. Илғорлар тажрибасини ўрганиш, терим агрегати тўғрисидаги китобларни ўқиб, амалий ишда фойдаланиш устида қунт билан шуғулланди. Булар ўз самараларини берди. Иккинчи йили иш чакки бўлмади. Юз тонналик марра эгалланди, кейинчалик эса рақамлар оша борди. Демак машина қувватидан унумли фойдаланишда, унинг деталларидан ҳамиша кўзқулоқ бўлиб туришда ҳикмат анча катта экан. Машина деталлари ва ишчи органларини меъёрида мойлаб, тозалаб туриш ишга барака киритишдаги бирдан-бир омиллардан эканлигини яхши тушуниб олди.

270 тонна! Ўтган йили республиканинг улкан хирмонига шунча тонна пахтаси билан улуш қўшди. Мусурмон илғорлар сафидан муносиб ўрин олди. Қийинчиликлар, уйқусиз бедор тунлар ортда қолди. Оғир меҳнатни енгди, уни ўзлаштириб олди.

Совхоз маъмурияти механизаторлик касбини пухта эгаллаб донг таратаётган йигитга «Узбекистон» маркали тўрт қаторли машинани берди. Бу агрегат олдингиларига қараганда ҳар ҳолда анча фарқ қилади. Шу боисдан уни бошқариб юрган механизаторлардан тажриба ўрганиб келса фойдадан ҳоли бўлмасди. Буни яхши тушунган Мусурмон қишнинг қалин қор ёққан кунларининг бирида Титов номли совхозга — машҳур механизатор Қувондиқ Абдураззоқовнинг ёнига келди. У янги машина ҳақида; ишчи органларининг жараёнлари тўғрисида батафсил гапириб берди. Тажрибаларини ўртоқлашди. Қувондиқнинг розилиги билан меҳмон «бедов отга» миниб, уён-буён ҳайдаб кўрди. Унинг бақувват қўллари рулни истаган томон бурди. Беш-олти йиллик тажрибага эга бўлганлиги сабабли машинани дадил бошқарарди...

Совхознинг бошқа бўлимлари қатори иккинчи бўлимида ҳам дефолиация қўлай агротехника муддатларида бошланди. Ҳадемай ғўзаларнинг тўни енгиллашди, далалар чаман-чаман очилган оппоқ пахталар билан қопланди. Орзиқиб кутилган дамлар етиб келди. Эгатга биринчи бўлиб Мусурмоннинг «зангори кема»си кириб, 1972 йил йиғим-терим мавсумини бошлаб берди. Машиналарнинг ...йқириги чор атрофни босиб, ёрни ларзага келтираётгандай бўлди. «СССРнинг 50 йиллиги шарафига— 600 тонна!» шиори ёзилган тўрт қаторли «Узбекистон» пахтазор кезаётган машиналарни бошқариб боради. Мусурмон эгат чеккасига чиққач, бункердаги пахтани тележкаларга ағдарди. Салмоғи чакки эмас, тележка бир-икки марта силкиниб тушди. Иш кечгача қизғин давом этди. Теримнинг дастлабки куни бўлганлиги учунми, ҳар ҳолда бирор кимса пахтазордан чиққиси келмасди. Машиналар эса тиғинини торттирмай бетўхтов ишларди Дастлабки хирмон кўтарилди. Бу хирмон кундан-кун осмонга бўй чўзди, кўкка чирмашди. Буларнинг ҳаммаси машиналарнинг, уни бошқараётган ўғлоқ мусурмонларнинг ҳиммати, бугун-кечагидан, эртага эса бугунгидан кўп пахта теришнинг юзасидан бошланган мусобақанинг самараси.

Бир кунда 25 — 30 тонна. Шунинг учун ҳам совхоз пахтакорлари терим агрегатларига катта ихлос қўйишган. Бўлмаса Мусурмоннинг ёлғиз ўзи бир кунда шунча пахтани қўлда тера олармиди. Бу миқдордаги пахтани териш учун қарийб 300 киши банд бўларди, қанчаданқанча сарф-ҳаражат қилинарди. Пўлат от чавандози Латипов бир кунда 35 тонна пахта териб ҳаммани қойил қолдирди. Терим машинасининг кучи нималарга қодирлигини эл-юрт олдида намойиш қилиб кўрсатди. Рақамлар кун сайин ўсиб борди. Унинг уйган пахтаси 600 тоннага етган кун иккинчи бўлимдагина эмас, балки бутун «Комсомол» совхозида байрам шодиёнасига айланиб кетди.

Мусобақада ҳамиша пешқадамликни қўлдан бермай, машинаси манглайида икки-уч ойлаб кўчма вимпелни ҳилпиратиб қўйган моҳир механизатор бутун коллективнинг фахри бўлиб қолди. Илғор суворийлар кўпайиб, сурьатнинг кескин ўсганлиги натижасида у ишлаётган бригада аъзолари, совхоз ва бўлимлари бараварига биринчилар қатори ғалаба рапортига имзо чекдилар. СССРнинг 50 йиллик юбилейини муносиб меҳнат совғалари билан нишонлаш иштиёқида фидокорона ишлаган бригада аъзолари ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил йиғиштириб олдилар. Марра эгалланди — социалистик мажбурият ҳам бажарилди. Бунда эл хирмонига бу йил 600 тоннадан ортиқ тўккан пахтаси билан ҳисса қўшиб, келаси йилда янада юксак маррани нўлаган Мусурмон Латиповнинг хизмати катта бўлди.

Т. УНАБОЕВ,
Т. СОЙНАЗАРОВ.
Сирдарё области.

„НАҚШИН“ АЙВОН

ФЕЛЬЕТОН

Кутилмаганда Раҳмат Зуфаровни Тошкент шаҳар, Киров район прокурори ёрдамчиси чақириб қолди.

Ҳа, иш бошлашибди-да, жўжахўровлар! Бўш келадиган ландовур йўқ! Бориб бўлмаи!

Зуфаров ялло қилиб юраверган эди, прокурор ёрдамчисидан яна чақирув қоғози келди.

— Оббо, жўжахўровлар, бўш келмайдиганга ўхшайди-ю. Яна милиционер келиб, олдига тушириб олиб кетмасин. Ҳай, таваккал, ўзим борақолай.

Зуфаровнинг миқти гавдаси сўлиб, бир эримдаёқ нучқайиб қолгандай эди. Энди бошидаги бежирим шляпаси-ю, кўзойнаги нихоятда беўхшов кўринарди. Ростини айтганда, бир пайтлар унга савлат бахш этадиган бу нарсалар шу туришда ортиқча матоҳ бўлиб қолганди.

Зуфаров йўл чеккасидан зинғиллаб борар экан, ўй суради.

1970 йилнинг 8 май куни Зуфаровнинг бошига бахт қуши қўнди. Уни Тошкент шаҳар, Киров районидаги Фирдавсий номли маҳалла комитетига раис қилиб сайлашди.

Зуфаров босар-тусарини билмай қолди. Энди у пиёда юрмас эди, балки қанот пайдо қилиб учарди.

— Идорани ремонт қиламиз. Мана бу жойга икки қаватли иморат, мана бу ерга нақшин айвон қурамиз.

Маҳаллада дув-дув гап:

— Янги раисимиз чаққон чиқди...

— Ишбилармон одамга ўхшайди.

— Охири бахайр бўлсин.

Маҳалла активлари уйма-уй юриб қилинадиган ишлар учун пул жамғара бошлашди. Биров бир сўм берди, биров ўн сўм. Ҳа, ҳар ким ўз чоғига қараб!

Шу орада маҳалладаги йиғирмадан ортиқ ҳовли-жой бирин-кетин сотилди. Нақшин айвон қуриш баҳонасида сотгандан ҳам, олгандан ҳам пул ундирилди. Оз эмас, эллик сўмдан беш юз сўмгача!

Ана шундай қилиб денг, маҳалла комитети раиси Раҳмат Зуфаров кассасига (аслида киссасига) пул ёғила бошлади. Энди Зуфаров бирор жойга бориб келгудек бўлса, фақат таксага тушадиган бўлди.

Маҳаллада қурилиш ишлари давом этиб турибди. Бу ердаги бир минг икки юз ҳонадан навбат билан ҳашарга чиқади. Илож қила олмаганлар, моддий ёрдам беради. Маҳалла котиби Бўриевой Ҳакимов қурилишда ҳаммадан ҳам жонбозлик кўрсатди. Тонг отгандан кун ботгунча тупроққа беланиб ишлар эди. Афсус, у шу орада бир «ҳатолиққа» йўл қўйди. Бўриевой маҳалла комитети раиси Зуфаров қўлига келиб тушаётган даромадларни хатга битиб юрган экан!

— Ҳой, Бўри, бу нима қилганинг! — Зуфаров уни исканжага олди. — Бу ерда сен раисми, менми?

— Сиз раиссиз, хўжайин!

— Баракалла! Шу бугундан бошлаб ишга аралашма! Секретарликдан озодсан!

Улуғ Ватан уруши инвалиди, пенсионер Воҳид Ҳамидов маҳалла чойхонасида ҳолис хизмат қилиб юрган эди. Зуфаровнинг кўзига бу одам ҳам ёмон кўринib қолди. Негаки, Воҳид ота чойхонада ичкилик ичирмас эмиш.

— Ҳой! — деди бир куни Зуфаров — сени шу кундан бошлаб ишдан озод қиламан. Чойхонани бўшат!

Шундай қилиб маҳаллага Асқар Файзиев деган олгир йигит чойхоначи бўлиб келди. Кўз очиб юмгунча чойхона майхонага айланди. Асқарвой қон ялаган қассоб экан, бу ҳунарини ҳам ишга солиб юборди. Чойхонада бир куни қўй гўшти сотилса, эртасига мол гўшти пулланади. Фойда Зуфаров билан ўртада!

— Мана буни чойхоначи деса бўлади, — мағрур гердаяди Зуфаров.

Нақшин айвон қаторида маҳалладаги қурилишлар ҳам ниҳоясига етди. Бу орада Зуфаров маҳаллага тегишли қаттагина майдонни А. Костенко деган кишига пуллаб юборди.

Шундай қилиб денг, Зуфаровнинг ниқоби йиртилиб, афтангори маҳалла аҳлига яққол кўриниб қолди.

— Оббо, устомон-е, нақшин айвон баҳонасида ўз ҳамёнини қаппайтираётган экан-ку! — ҳамма ҳайратдан ёқа ушлайди.

Ўзим биламан-у, уст-бошим билади, деган гап бор. Зуфаров аввалгидек кеккайиб юрсада, дилида кўп гашликлар бор эди. Ҳа демай маҳалла комитетининг ҳисобот-сайлов йиғилиши ўтказилиши керак. Ўшанда аҳли: «Қани, ҳурматли Зуфаров, еган-ичганларингиз ҳақида бизга бир сўзлаб берингчи», деб қолса, нима бўлади?!

Ана холос! Маҳалла аҳолисининг ялпи йиғилиши ўтказилиши ҳақида эълон пайдо бўлиб қолибди-ку!

— Йўқ-йўқ! Мажлис ўтказилмайди!

Зуфаров эълонни пора-пора қилиб ташлади-ю, кўнгли бир оз таскин топгандай бўлди.

— Оббо, яна эълон! — Зуфаровнинг кўзлари қинидан чиқиб кетаёзди.

— Мажлис ўтказилмайди, дедимми, ўтказилмайди! — Зуфаров эълонга яна чанг солди.

Афсус, Зуфаров айтганидек бўлмади. Шу йилнинг 20 июлида Фирдавсий номли маҳалла аҳолисининг ялпи мажлиси чақирилди.

Қаранг, кўплар қатори Зуфаров ҳам президиумда ўтирибди. Шу туришда у дарс пайтида гуноҳ қилгани учун доска олдига қаққайтириб қўйилган болага ўхшарди. Ранги докадек оппоқ. Эл олдида қилган ишлари юзасидан қисқагина ҳисобот берди. Кейин чинакам маъруза бошланиб кетди.

Бу ерда Зуфаровнинг сирлари шундогам фош бўлдики, бечоранинг ҳолига маймунлар йиғлади.

Мажлис ярим кечада тугади. Одамлар катта йўлда ўзаро суҳбатлашиб боришарди.

— Ўйламай еган — огримай ўлар, деб шунга айтсалар керак-да...

— Эй, бундоқ бўлишин туш кўрибдими...

— Маҳалла комитетининг молиявий ишлари тафтиш қилинса, ўшанда кўринг ҳанг-оманг!

Гап кўчада қолмади. Шу йилнинг 3 августида Киров район партия комитети ҳамда район ижроия комитети йўлланмаси билан келган бир группа ҳурматли ўртоқлар текшириш ўтказганида, Зуфаров ўз қўлига тушган пулдан 1362 сўмини ямламай ютиб юборгани аниқ бўлди.

— Войдод! Мен бунга рози эмасман! Тафтиш қайтадан ўтказилсин! — оламга жар солди Зуфаров.

Талабларига биноан 8 август куни яна тафтиш бўлди. Энди Зуфаровнинг жиғилдонидан ўтиб кетган пул 1362 сўм эмас, 1462 сўм бўлиб чиқди.

Маҳалла аҳли яхшиликча шу пулни тўлашни талаб қилишмоқда.

— Мен олган нарсамни ўлсам ҳам қайтариб бермайман, одатим шу! — айюханнос солади Зуфаров.

Шундай қилиб, Раҳмат Зуфаровнинг бир оёғи республика Совхозлар министрлигида-ю (у шу жойда ишлайди), бир оёғи Киров район прокуратурасида бўлиб қолди.

Нафс дардига гирифтор бўлган Зуфаровни қандай даволашар экан? Фирдавсий номли маҳалла аҳлини ана шу жумбоқ қизиқтиради.

У. ЮСУПОВ.

Планетамиз хабарлари

ЛЕНИНЧА СИЁСАТ ТАНТАНАСИ

СССР ташкил топган кунининг 50 йиллиги муносабати билан Москвада ўтказилаётган тантаналар, Кремлдаги съездлар саройида тантанали мажлисда КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг қилган доклади халқаро майдонда жуда катта қизиқиш туғдирди. Барча қитъалардаги мамлакатларнинг газеталари ва информация агентликлари, радио ва телевидениеси кўп миллатли Совет давлатининг юбилейига жуда катта эътибор бермоқдалар ва Совет давлатининг бутун тарихи барча миллат, элатларнинг чинакам иқтисодий, сиёсий ва маданий равнақи тарихи эканлигини, уларнинг бузилмас бирлиги ва қардошларча дўстлигини ёшларга келтириш ҳамда мустаҳкамлаш тарихи эканлигини таъкидламоқдалар. Москвадан юборилган хабарларда Совет Иттифоқи меҳнаткашлари ўз байрамини меҳнат ғайрати ва сиёсий активлик гоят ўсган бир вазиятда нишонлаб, КПСС ва унинг ленинча Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашганликларини намойиш қилаётганликлари уқтириб ўтилади.

Жаҳон жамоатчилиги ва матбуоти Л. И. Брежневнинг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг элик йиллиги тўғрисидаги доклади жаҳон миқёсида катта аҳамиятга молик воқеа деб баҳо бермоқда. Социалистик давлатларнинг Марказий газеталари Л. И. Брежнев докладининг тўла текстини босиб чиқардилар. Бошқа матбуот органлари бу докладни батафсил баён қилмоқдалар ва ундан нақл келтирмоқдалар. Л. И. Брежневнинг доклади Совет Иттифоқининг тарихий муваффақиятларини ва унинг бундан буёнги тараққиёти, истиқболлари ҳамда ҳозирги халқаро вазият чуқур таҳлил этилган жуда муҳим сиёсий ҳужжат деб қаралмоқда.

БОЛГАРИЯ

СОФИЯ. «Работническо дело» газетаси Кремлдаги тантанали мажлисни социализм куч-қудрати ва ҳаётийлигини исбот этувчи ёрқин далил, деб таърифлайди. «Совет Иттифоқининг юбилейи — деб қайд қилади газета — монолит кўп миллатли Совет давлати халқларининггина эмас, балки, бутун инсониятнинг ҳам буюк ва порлоқ байрамидир». «Земделско знаме» газетаси Совет Иттифоқининг 50 йиллиги «Ленинча миллий сиёсатнинг буюк тантанаси, социализм ва коммунизмни муваффақиятли суратда барпо этишнинг қудратли омили» деб ёзади. «Л. И. Брежневнинг докладида, деб ёзади «Вечерни новини» газетаси, — Совет халқлари қардош оиласининг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётининг ҳамма соҳаларда эришган тарихий муваффақиятлари ва порлоқ истиқболлари, СССРнинг тинч-тотув яшаш сиёсатига, кескинликни юмшатишга, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ишига қўйган жуда катта ҳиссаси батафсил баён қилинган».

ПОЛЬША

ВАРШАВА. Польшанинг «Трибуна люду» газетаси қуйидагиларни уқтириб ўтади: Л. И. Брежневнинг докладида ярим аср муқаддам ёш Совет республикаларини бирлаштиришга олиб келган шарт-шароитлар атрофлича таҳлил этилди, ана шу халқлар ҳамдўстлигида рўй бераётган ҳодисаларга марксча-ленинча баҳо берилди, Совет давлатини янада ривожлантириш истиқболлари белгиланди. «Советлар мамлакатининг 50 йиллик тажрибаси, деб қайд қилади газета, коммунизмга олиб борадиган синалган, мустаҳкам йўл». «Жиче Варшави» газетаси Л. И. Брежнев докладида социализм позициялари эндиликда ҳар қачонгидан ҳам кўра мустаҳкам эканлиги тўғрисида айтилган гапларга алоҳида эътибор беради.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ

ПРАГА. «Руде право» газетасининг бугунги сони «Совет Иттифоқининг 50 йиллигига шон-шарафлар!» деган табрик сўзлари билан бошланади. Газета КПСС Марказий Комитети Бош секретари докладининг тўла текстини «Совет Иттифоқи коммунизм сари олга бормоқда», деган сарлавҳа остида босиб чиқарди. Москвадаги тантанали мажлис тўғрисида босилган хабарда бундай дейилади: «Леонид Ильич Брежнев Кремль саройи минбаридан туриб улуғ халқ номидан гапирди. Радио унинг сўзларини планетамиздаги юз миллионларча кишиларга эшиттирди».

«Руде право» газетасининг фикрича, «Кремлдаги тантанали мажлис совет жамиятининг чинакам тантанаси, марксизм-ленинизм ғояларининг ҳаётбахш кучини исбот этувчи янги далил, бирдан-бир илмий дунёқараш ғоялари коммунистик партия раҳбарлигида амалга оширилганлигини яққол исботловчи далил бўлиб қолди».

(ТАСС).

ВДР ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ БАЁНОТИ

ПАРИЖ, 22 декабрь. (ТАСС). Вьетнамга бағишланган Париж кенгашидаги Вьетнам Демократик Республикаси делегациясининг бу ерда тарқатган баёнотида айтиладики, Америка агрессиясининг 18 декабрдан то 21 декабрь тун ярмигача Ханойга қилган катта ҳужумларида 100 га яқин самолёт қатнашди.

Шу ҳужумлар чоғида, дейилади баёнотда, Ханойнинг марказий районлари ва унинг атрофидаги жойларнинг деярли ҳаммаси бомбардимон қилинди. Куба элчихонасининг, тарих музейининг биноларн, Ханой вокзали, фармацевтика фабрикасининг биноси қаттиқ шикастланди. Ханойдаги Франция бош делегациясининг биноси жойлашган квартал бомбардимон қилинди, кўпгина уй-жой кварталларига зарар етказилди.

Париж музокараларидаги ВДР делегацияси, дейилади баёнотда, АҚШ ҳукуматининг ваҳшиёна уруш ҳаракатларини қатъиян қоралайди ҳамда жаҳон ва Америка жамоатчилигига мурожаат қилиб, уларни қотилларнинг бу ҳаракатларини тўхтатишга, Ханойни, Хайфонни ва Вьетнам Демократик Республикасининг бутун территориясини бомбардимон қилишни тўхтатишни Вьетнамдаги агрессив урушни тўхтатишни Америка ҳукуматидан талаб қилишга чақиради.

Совет Иттифоқи ёрдами билан қурилган Баланд Асвон тўғонининг яқинда ишга туширилганлиги Миср Араб Республикасига қишлоқларни электрлаштириш программасини кенг амалга оширишнинг имконини берди. Аҳоли яшайдиган кўпгина қишлоқлар электрлаштирилди, электр насослар ёрдамида сув далаларга оқизилмоқда. Суратда: Батанун қишлоғида ишлаётган электриклар бригадаси. Е. Коршунов фотоси. (ТАСС).

ҚАҲРАМОН ВЬЕТНАМ ЕНГАДИ

ТИНЧЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОВЕТ КОМИТЕТИНИНГ БАЁНОТИ

Вьетнам халқининг ўз озодлиги ва мустақиллиги учун кураш йўлидаги иродасини бўшаштиришга уриниб, америкалик агрессорлар учига чиққан даражада шафқатсизлик ва ваҳшийликни бошлаб юборганликлари тўғрисида Вьетнамдан ҳаяжонли хабарлар олинмоқда. Оғир бомбардимончи самолётларнинг Ханой марказидаги маҳаллаларга ёпирилиб ҳужум қилаётганликлари янги мудҳиш жиноятдир.

Америка ҳарбийларининг ВДРни ваҳшийларча бомбардимон қилишни яна бошлаб юборганликлари Вьетнамдаги можаронни сиёсий йўл билан ҳал этишни йўққа чиқаришга ва битимларни имзолашни барбод этишга атайлаб уринаётганликларидан далолат бермоқда.

Тинчликни ҳимоя қилиш совет комитети Вьетнам халқига қарши қилинаётган мана шу мудҳиш жиноятлар учун жавобгар бўлган АҚШ доираларини Совет Иттифоқидаги миллион-миллион тинчлик тарафдорлари номидан қаҳр-ғазаб билан қоралайдилар.

Биз чет эллардаги барча ташкилотларга, ҳаракатларга, яхши ниятдаги ҳамма кишиларга, биринчи навбатда АҚШдаги яхши ниятли ҳамма кишиларга мурожаат қилиб, Вьетнамдаги ифлос урушни давом эттиришни ҳар қандай баҳоналар билан оқлашга уринаётган Америка ҳукмрон доираларининг янги қабиҳ ҳаракатларига қарши баралла қатъий норозилик билдиришга чақирамиз.

Совет тинчлик тарафдорлари Вьетнам проблемасини тинч ҳал этиш учун изчиллик билан курашаётган ВДР ҳукуматининг ва Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукуматининг конструктив тадбирларини тўла равишда қўллаб-қувватлашини яна бир марта билдиради ҳамда тинчлик ва мустақиллик ишини эзъозлаган барча кишиларнинг биргаликда куч-ғайрат сарфлаши натижасида Американинг Вьетнамдаги агрессиясига чек қўйилади, деб чуқур ишонч билдиради.

Биз бутун дунё жамоатчилиги билан биргаликда: талаб қилиб деймиз:

— Вьетнамнинг тинч аҳолисига қарши ваҳшийларча шафқатсизлик дарҳол тўхтатилсин!

Вьетнамдаги можарони тинч бартараф этиш тўғрисидаги битимлар дарҳол имзолансин!

Ҳеч қандай террор мард Вьетнам халқининг иродасини бука олмайди!

АГРЕССОРЛАРГА ЛАЪНАТ!

Ўзбекистон пойтахтидаги завод ва фабрикаларда 23 декабрда бўлиб ўтган оммавий митинглар қатнашчиларининг нутқларида Америка ҳарбийларининг Вьетнамдаги агрессияси ва ёвузлигига қарши ғазаб ҳамда кескин норозилик ифода этилди.

«Таштекстильмаш» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг митингида сўзга чиққан корхона директори И. И. Пьяних бундай деди:

— Америка империализми ўзининг йиртқичлик башарасини яна бир марта кўрсатди. У Вьетнамнинг жафокаш ерига яна ўт ва металл тўфонини ёғдирди. Ҳинди-Хитойда ҳарбий ҳаракатларни авж олдиришни давом эттирмоқда; у ерда ажал уруғини сепмоқда ва вайронгарчилик келтирмоқда. Америка агрессорларининг бу ёвузлигини кечириб бўлмайди.

— Вьетнамнинг минг-минглаб тинч аҳолисини совуққонлик билан ўлим ва азоб-уқубатга дучор этаётган Америка урушқоқларининг ҳатти-ҳаракатини қоралаш учун сўз топиш қийин, — деди «Компрессор» заводи коллективининг митингида сўзга чиққан токарь А. Н. Савенков. — Жаҳон халқлари биргаликда куч-ғайрат сарфлаб, қотилларнинг қўлини тийишги лозим.

Митингларда сўзга чиққанларнинг ҳаммаси АҚШ агрессорларининг ҳатти-ҳаракатидан ғазабланиб гапирдилар.

Шунингдек, трактор заводида, «Ўртоқ» кондитер фабрикасида ҳам кўп кишилик митинглар бўлиб ўтди. Митингларнинг қатнашчилари АҚШнинг Москвадаги элчихонасига телеграммалар юбордилар. Уларда Вьетнамнинг тинч аҳоли пунктларини шафқатсизлик билан ваҳшиёна бомбардимон қилишга қарши кескин норозилик билдиришдан Вьетнам масаласини тинч йўл билан ҳал этиш талаб қилинди.

(ЎзТАГ).

ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИ ҒАЗАБЛАНМОҚДА

Қўшма Штатлар Вьетнам Демократик Республикасига қарши, ҳаво жангини кучайтираётганлигига қарши ва Вьетнамда урушни тўхтатиш ҳамда тинчликни тиклаш тўғрисида ВДР билан тузилган битимни имзолашни пайсалга солиш йўлидаги уринишларга қарши норозилик ҳаракати бутун дунёда кенгайиб бормоқда.

БЕРЛИН. «Нойес Дойчланд» газетаси «АҚШ агрессиясига чек қўйилсин» сарлавҳали бош мақоласида қуйидагиларни ёзади: жаҳон жамоатчилиги қаҳр-ғазаб билан америкалик агрессорларнинг Вьетнамдаги жиноятларни дарҳол тўхтатилсин, деб талаб қилмоқда. АҚШ ҳукумати қон тўкиш ва сурбетларча куч ишлатиш йўли билан Вьетнам проблемасини ҳал этиш юзасидан Вьетнам Демократик Республикасининг ССРдаги элчиси Зионг Дик Хани қабул қилди. А. Индра суҳбат вақтида бундай деди: Чехословакия халқи АҚШнинг Вьетнам Демократик Республикасига қарши уруш ҳаракатларини яна кучайтирганлигини қатъиян қоралайди. Бомбардимонлар кучайтирилганлиги Вьетнамда урушни тўхтатиш юзасидан Америка шартларини қабул қилишга вьетнам халқини куч ёрдамига мажбур этиш йўлидаги уринишдан бошқа бир нарса эмас. Бундай позиция муқаррар барбод этилади. Бу позиция бемаъни урушни чўзиб юборади, вьетнам халқини янги азоб-уқубатларга дучор қилади ва халқаро аҳволни кескинлаштиради, холос.

Чехословакия Социалистик Республикасининг халқи АҚШ ваҳшиёна бомбардимонларни дарҳол тўхтатсин ва Вьетнамда қўпдан буён кутилган тинчликни ўрнатиши лозим бўлган битимни имзоласин, деб талаб қилади, деди А. Индра. (ТАСС).

БУДАПЕШТ. Венгрия ҳукуматининг баёнотида бундай дейилади: Венгрия Халқ Республикаси ҳукумати жаҳоннинг тақдири учун масъулиятни яхши билган барча халқлар ва ҳукуматлар билан биргаликда Америка бомбардимонлари дарҳол тўхтатилсин, агрессия тез орада тўхтатилсин, деб талаб қилмоқда. Венгрия ҳукумати жаҳондаги тинчликсевар кучларни ва АҚШдаги тараққийпарвар жамоатчиликни Америка ҳукуматидан Вьетнам Демократик Республикасига қилинаётган қарқочларга ҳужумни дарҳол тўхтатишни, ўзаро келишиб олинган битимни дарҳол имзолаб, ўз устига олган мажбуриятларини бажаришни талаб этиш учун ҳамма ҳукуматининг конструктив тадбирларини тўла равишда қўллаб-қувватлашини яна бир марта билдиради ҳамда тинчлик ва мустақиллик ишини эзъозлаган барча кишиларнинг биргаликда куч-ғайрат сарфлаши натижасида Американинг Вьетнамдаги агрессиясига чек қўйилади, деб чуқур ишонч билдиради.

Биз бутун дунё жамоатчилиги билан биргаликда: талаб қилиб деймиз:

— Вьетнамнинг тинч аҳолисига қарши ваҳшийларча шафқатсизлик дарҳол тўхтатилсин!

Вьетнамдаги можарони тинч бартараф этиш тўғрисидаги битимлар дарҳол имзолансин!

Ҳеч қандай террор мард Вьетнам халқининг иродасини бука олмайди!

«ЭРКИН ДУНЕ» ҚИЁФАСИ

БИР БУРДА НОН УЧУН

Гватемала, Манаагуа, Порт-о-Пренсенинг марказий кўчаларидаги дабдабали рекламалар ҳам, неон нурларининг ранг-баранг товланиши ҳам бу мамлакатларда ҳукм сураётган қашшоқликни яширолмайди. Бу пойтахтларда жойлашган Американинг «Хемо карибиен» ва «ГЕДЕСА» кампанияларининг эшиклари олдида ҳар куни эрталаб турна-қатор бўлиб турган кишиларни кўрасиз. Уларни бу ерга ишсизлик ва очлик ҳайдаб келади. Улар бу ерда арзимаган чойчақа учун ўз қонларини сотишга мажбурдирлар.

«Хемо карибиен» ва «ГЕДЕСА»нинг хўжайинлари инсон қонини сотиб олиш йўли билан бойлик орттирмоқдалар. Қон топширяётган кишиларнинг тақдири эса уларни сира ҳам қизиқтирмайди. Шартга кўра «донорлар» ҳафтасига бир литр қон топширишлари керак. Бу эса камқонлик ва бошқа касалликларга дучор қилади. Кўпчилик буни жуда яхши билади, шунга қарамай, ўз қонини сотиб «пул топиш»ни истаётганлар кун сайин кўпайиб бормоқда.

Латин Америкасидаги бу учта кичик давлатнинг социал аҳволига назар ташлаган киши «донорлар»ни қон топширишга нима мажбур этаётганини тушуниб олиши қийин эмас. Гаити ҳукуматининг бошлиғи Жан-Клод Дювалье фақат бостириш ва эксплуатация машинасининг аниқ ишлаб туриши ҳақида қайғуради. Ўтган йили вафот этган отаси «папа Док» сингари Жан-Клодни ҳам оролнинг 5 миллионли аҳолиси тақдири асло қизиқтирмайди. Бу ерда кишиларнинг ўртача умри 35 ёшдан ошмайди. Янги туғилган ҳар минг гўдакнинг 345 таси бир ёшга тўлмасдан ҳалок бўлмоқда. 1700 аҳолига бир врач тўғри келиши, аҳолининг 80 проценти саводсиз эканлигига Дювалье парво ҳам қилмайди.

Никарагуа Гаитидан сал фарқ қилади. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг каттагина қисми ишсиз. Ҳар 100 кишининг 70 таси ўқишни ҳам, ёзишни ҳам билмайди. Болалар кўпинча мактабга боришмайди. Улар зўрға кун кўраётган ўз оилаларига ёрдамлашиш учун ўқишдан қолишга мажбурлар.

Гватемалада ҳам аҳвол жуда оғир. Ўртача умр кўриш бу ерда 49 ёшни ташкил этади. Аҳолининг 80 проценти саводсиз.

Бу мамлакатларнинг фожиаси — маҳаллий олигархия ва Америка компанияларининг халқни хонавайрон қилаётганлигидадир. «Стандард ойл оф Калифорния», «Юнайтед Стейтс стил корпорейшн» ва бошқалар ерлик халқларнинг бутун бойликларини ўзлаштириб олмоқдалар, арзон ишчи кучидан фойдаланиб катта бойлик тўпламоқдалар.

Бу қитъада юз бераётган воқеалар шуни кўрсатиб турибдики, Латин Америкаси халқлари маҳаллий ва Америка капитали ҳукмронлигидан кутилиш зарурлигини тушуниб етмоқдалар. Бу борада Куба яхши ўрнак кўрсатди. Ундан кейин Чили ва Перу ҳам ўз мустақиллигини ҳимоя қилиш йўлига кириштирди. Вақт ўтиши билан бундай ўзгаришлар Латин Америкасининг бошқа мамлакатларида ҳам содир бўлиши муқаррар.

(«Нойес Дойчланд» — АПН).

ВЬЕТНАМДАН ҚЎЛИНГНИ ТОРТ!

23 декабрда В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг профессорлари, муаллимлари ва студентлари Америка империалистларининг Ҳинди-Хитойдаги ҳарбий авантюралари яна авж олдирилаётганлигига қарши кўп кишн қатнашган норозилик митинги ўтказдилар.

Янгилиш аҳли АҚШ авиациясининг Вьетнамдаги тинч аҳоли яшайдиган пунктларга ваҳшиёна қилган ҳужумлари тўғрисида, оғизда кескинликни юмшатиш тўғрисида гапириб, амалда уруш оловини ёқаётган Америка империалистларининг кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган сурбетликлари ҳақида гапириб берган партия комитети секретарининг ўринбосари доцент Ш. Ш. Шарипов нутқини диққат билан тингладн.

Университет ректори Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Т. А. Сариқсоқов, шарқ факультети кафедрасининг мудири А. Ғ. Ғаниев, юридик факультети студенти Р. Ҳамроев ўз нутқларида Америка Қўшма Штатларининг Вьетнамдаги жиноятларини қаҳр-ғазаб билан қоралайдилар. Ўзбекистон меҳнаткашлари қаҳрамон Вьетнам халқи билан қардошларча бирдамликни мустаҳкамлашга аҳд қилганлиги тўғрисида гапирдилар.

Митингда қизғин қарсаклар билан кутиб олинган вьетнамлик студент Нгуен Тхань ҳам сўзга чиқди. У ўз ватандошларининг одилона нурашини актив қўллаб-қувватлаётганликлари учун совет аҳолисига самимий миннатдорчилик билдирди.

Митинг қатнашчилари қабул қилган резолюцияда АҚШ ҳукумати ВДР тинч аҳолисини ваҳшиёна бомбардимон қилишни тақиқлашини, Вьетнам тўғрисидаги тинчлик битимини имзолашини, Вьетнамда ва бутун Ҳинди-Хитойда Америка босқини дарҳол тўхтатилишини талаб қилдилар. (ЎзТАГ).

ВЬЕТНАМ ВА УНИНГ КИШИЛАРИ

МАТОНАТ

Вьетнам Демократик Республикасида ўз кўзим билан кўрганларимни сира эсимдан чиқара олмайман. Уруш излари, аланга ва қон, ёш ва ёши ва газабли муштлар, қароқа ўйлар ва госпиталлар...

Яқингинада айрим жамоалар устида янгирмадан ортиқ қароқчилик ҳужуми содир бўлиб турди. Бу — 24 соат ичида минглаб тонна ўлимга маҳкум қилувчи турли хил калибрдаги бомбалар одамларнинг бошига тушди, дегани. Одамлар бунга қандай қилиб чидаш беришаётир?

Бунга ишонш қийин, лекин вьетнамликлар эса турмуш қийинчиликларининг бирортасидан ҳам кўркмайдиган бўлиб қолишган. Мамлакатда кўпгина кўпириклар бузиб юборилган бўлса-да, йўлдаги ҳаракат тўхтатаги йўқ. Вайрон этилган кўпирикларнинг кўпи энг одий бамбуклан ясалган ўтказгичлар билан алмаштирилган. Мен ўшандай бамбуклан ясалган ўт казгичлар устидан каторасига саккизта юк машинасининг ўтаётганини кўрдим. Кундузлари дарёларда хаёт сўнгандай кўринади, чунки бамбук «кўпирклари» кун ёришиши билан дарёдан олиб ташланади. Кўш қоровошлаши билан яна ўша мосламалар дарёга камар қилиб ташланади.

Вьетнам деҳқонлари мардлик ва меҳнатсеварлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Уруш бўлаётганига қарамасдан хали шу вактгача шолидан шунчалар кўп мўл-кўл ҳосил олинмаган. Бу ердагилар очарчилик нимаligini билмайдилар. Бундан йигирма йиллар илгари айрим вилоятларда йил сайин бир неча ойлаб очарчилик бўларди. Энди бўлса бунга чек қўйилди. Шундай оғир кунларни бошидан кечирган бу районлар ҳозирги кунда озиқ-овкат маҳсулотлари билан фақат ўз аҳолисини эмас, балки шаҳарларни ҳам таъминламоқда.

Вьетнам Демократик Республикасининг муваффақияти фақатгина ўз осмонида Америка қароқчи самолётларини уриб тушириши билан ўлчанмайди. Унинг асосий муваффақиятлари ҳаётнинг барқарорлиги, саноат корхоналари ва кишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ўсиб бораётганида. халқнинг матонатлигидадир. Менинг эски ошнам, журналист Лу Кун Ки бундай деди:

— Менга қаранг, агрессорларнинг навбатдаги қароқчилик билан бостириб келишлари пайтида одамларнинг юзларида кўрқув ёки ўзини йўқотиб қўйиш ҳоллари сезилмаётганига аҳамият қилинг-а.

Дарҳақиқат, кўрқув ёки саросимага тушувчиларни кўрмадим. Ҳамманинг юзида хотиржамлик ва ишонч аломатлари.

Уруш. Ҳар қадамда унинг излари кўринib турибди. ...Тинчликчи? Сафарим давомида бирор кимсанинг бунга қарши чиқаётганини сезмадим, аксинча вьетнамликларнинг тинчликка интилишаётганини кўрасиз. Мамлакатни қўриқлашга қаратилган бутун кучлари мустаҳкам тинчлик ўрнатиш билан боғланган. Бу одагилар шаҳардан энг керакли объектларни кўчириб олиб кетилганига қарамасдан эвакуация қилиниш ҳақида гапирмайдилар. Аммо «вақтича» деган сўз оммавийлашган. Бу фақат сўз ўйинигина эмас. Мабодо кўчишга тўғри келиб қолгудай бўлиса одамлар уй-жойларни вақтинча қийин damлар енгиллашгунга қадар ташлаб чиқишади-да, сўнг қайтиб келишади. Вақтинча — деган сўз душман билан кураш, тинч ҳаётни барпо қилиш планининг бир қисми демакдир.

(«Юманите диманш» — АПН).

(«Совет Узбекистони»нинг навбатдаги сони 27 декабрда чиқади).

Редактор ўринбосари Х. ЕДГОРОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.25 — ТОШКЕНТ. 9.30 — Янгиликлар. 9.40 — Музикали кўрсатув. 10.10 — «СВЕТОФОР». 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар 11.10 — Музикали учрашувлар. 11.35 — Адабий ўқиш. 11.45 — Усталар шаҳрн. 12.30 — «Будильник». 13.00 — Энергетика кунига бағишланган кўрсатув. 13.30 — **Оқиш нўли** (балет) 16.00 — «Здоровье» 16.30 — ТОШКЕНТ. 16.40 — Мультфильм. 16.50 — Ахборот. 17.05 — Ҳужжатли фильм. 17.30 — **Ғазалхон ёшлигим.** 18.35 — Ахборот. 18.50 — 5 минут музика. 19.00 Телефильм. 20.00 — МАРҲАБО, ТАЛАНТЛАР (фестиваль голибларининг якунловчи концерти. 2-кўрсатув). 22.00 — «Вақт» 22.30 — **«Тоҳир ва Зуҳра»** бадиий фильми. 23.45 — Ҳужжатли фильм. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 9.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 14.00 — Қўғирчоқ фильм. 14.10 — **Шчорс** (бадиий фильм). 16.30 — МОСКВА. **Киносаёҳатчилар клуби.** 17.45 — Қишлоқ янгиликлари. 19.00 — Концерт. 19.30 — Телеспектакль. 20.30 — «Артлото». 22.00 — Врач маслаҳати (Тошкент). 22.30 — Концерт. 23.45 — Спорт кўрсатувн. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.00 — ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 24/XII да **Доктор Айболит** (кундузи). **Чио-чио-сан** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 24/XII да **Хотинимнинг эри**, 25/XII да **Лақма.**

КИНО

Қора фаришталар — «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10, кундуз 1, 4, кеч 7 ва 9 яримда), НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10, кундуз 12.30 3, 5.30 минут ва кеч 8 да), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 3, кеч 6 ва 9 да).

Булутларни қуч — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 3, кеч 6 ва 8.45 минутда) САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 12, 3, кеч 6 ва 8.45 минутда), «ВОСТОК» (эрталаб соат 11, кундуз 2, 5 ва кеч 8 да).

Ҳур қизлар (2-серия) — ҲАМЗА номли (кундуз соат 11, 2.30, 5.30 ва кеч 8.30 минутларда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 5 ва кеч 8 да), «ДРУЖБА» (кундуз соат 11, 12, 3, 5 ва кеч 8 да).

Омадли жентльменлар «КЎКЧА» (тоқ соатларда).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА ТЕЗ КУНДА

Янги спектакль

СССРнинг шонли эллик йиллигига бағишланади.

Комил ЯШИН.

«ИНҚИЛОБ ТОНГИ»

(«Бухоро»).

3 пардали драма.

Саҳнага қўювчи режиссёрлар — Ўзбекистон ССР халқ артисти **А. О. Гинзбург** ва СССР халқ артисти, СССР Давлат ва Ҳамза номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари лауреати **О. ХУЖАЕВ.**

Рассом — **Г. БРИМ.**

Режиссёр ассистенти — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Е. АҲМЕДОВ.**

СПЕКТАКЛДА:

СССР халқ артистлари, СССР Давлат ва Ўзбекистон ССР Давлат Ҳамза мукофотлари лауреатлари **С. ЭШОНТУРАЕВА. О. ХУЖАЕВ.**

СССР халқ артисти, Ҳамза номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати **Н. РАҲИМОВ.**

Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР Давлат ва Ҳамза номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари лауреати **С. ТАБИБУЛЛАЕВ.**

Ўзбекистон ССР халқ артистлари: **И. БОЛТАЕВА, З. МУҲАМАДЖОНОВ, С. ОЛИМОВ, А. ТУРДИЕВ, Ж. ТОЖИЕВ, Ш. ҚАЮМОВ, Қ. ХУЖАЕВ.**

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: **Р. ИБРОҲИМОВА, С. НОРБОЕВА, Т. АЗИЗОВ, Е. АҲМЕДОВ, М. ОРИПОВ, П. САИДҚОСИМОВ, Т. ТОЖИЕВ, Т. ХОНТУРАЕВ, Р. ҲАКИМОВ** ва бошқалар қатнашадилар.

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

Касса эрталаб соат 10 дан очиқ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппарати ҳамда Ишлар бошқармаси партбюро ва маҳаллий комитетлари Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бўлим мудири Қ. Т. Тоҳировга онаси

Сона ТОИРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент халқ хўжалик институт ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари институт иқтисодий кибернетика факультетининг декани, доцент С. Қ. Косимовга онаси

Умри МУҲАМЕДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР эълонлар — 338142. коммутатор — 330249 дан 330258 гача.

Б. 299. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Р. 01941.